Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

Қишлоқ ҳақиқати

1990 йил 19 январь
ЖУМА
№ 16 (4.810).

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг газетаси

1974 йил 1 январдан буён нашр этилади ◆ Душанбадан ташқари ҳар куни чиқади ◆ Баҳоси 3 тийин.

Бизнинг мусоҳаба

БЎРОН, ИЗҒИРИН, АЁЗ

Қорсиз Янги йил татийдими! Бу йил ҳам анъанавий байрамни оппоқ нижуларсиз кутиб олдик. Эртасига 1 январданоқ, айниқса кейинги кунларда табиат сахийлик қилди. Борлиқ оппоқ либосга бурканди. Мухбиримиз шу муносабат билан Ўзбекистон ССР Гидрометереология хизматига мурожаат этиб, об-ҳаводаги ўзгаришларни шарҳлаб беришни илтимос қилди.

Н. С. ГАВРИЛОВА, Гидрометереология хизмати бошлиғи вазифасини ижро этувчи:

— Ўзбекистонда январь ойи ёғин-сочинли бўлди, яъни қор кўп ёғди. Совуқ арктик ҳаво оқимлари, айни чоғда Ўрта денгиз томондан кучли булут қатламларининг даврий кириб келиши бунга сабаб бўлди.

Ҳозирги вақтда Қорақалпоғистон АССРда, Қашқадарё, Сурхондарё областларида, Бухоронинг жанубида қор қопламининг баландлиги 1—5 сантиметрга, Сирдарё, Самарқанд областларида, Бухоронинг чўл зонасида 5—14, Тошкент ва Фарғона областларида 15—40, тоғли районларда 60—260 сантиметрга етди. Абрамов музлигида қор қоплами 138 сантиметргача қалинлашди, ўтган йили эса 95 сантиметрни ташкил этганди.

Тошкентда қор қалинлиги 25—35 сантиметр. Республика пойтахтида ёғингарчилик миқдори кейинги 15 кун мобайнида бир ярим ойлик даражага етди.

Тоғларда қорнинг тўпланиши одатга кўра октябрдан бошланади. Аммо 1989 йилнинг октябрь ва ноябрь ойларида ёғингарчилик кам, декабрда эса ҳамма ерда нормадагидан ортиқ бўлди, Чирчиқ ва Оҳангарон дарёлари ҳавзасида нормадагидан 2,6 ҳисса ортди. Январь ойининг биринчи ярмида ёғингарчилик кўп бўлганлиги кузатилди. Кейинги 15 кун мобайнида нам манбалари деярли (Қашқадарё ва Сурондарё ҳавзаларидан ташқари) ҳамма ерда ойлик нормадан ортиб кетди.

Тоғларда қорнинг тўпланиши одатдагидек апрель ва май ойларига қадар давом этади. Аммо кейинги ойларда ёғингарчилик бўлиб, нам запасларининг йиғилишида аҳвол ўзгарган ҳоллар ҳам рўй берган.

Январнинг тўртинчи беш кунлигида совуқнинг аста-секин юмшаши муносабати билан ҳаво барқарор хусусиятга эга бўлмаслиги, бешинчи беш кунликдан эса Урал томондан янги совуқ ҳаво оқимининг келиши кутилмоқда. Республика шимолида кечаси 13—15, кундузи 2—7 даражагача, марказий ва шарқий областларда кечаси 4—9, кундузи 0—3 даражагача, жанубда кечаси 0—5, кундузи 0—2 даражагача совуқ бўлади.

Бешинчи беш кунликда ёғингарчилик кутилмаяпти, олтинчи беш кунликда вақти-вақти билан ёғин бўлиши, кечаси 3—8 даража совуқдан 0—5 даражагача иссиқ, кундузи 0—2 даража совуқдан 6—10 даражагача иссиқ бўлади.

Л. В. Гром, агрометереология маълумотлари бўлимининг бошлиғи:

— Ҳозирги вақтда табиатда ҳамма нарса қор қоплами остида қолган. Бу кузги экинлар учун ҳеч қандай хавф туғдирмайди. Қизилқум яйловларида аҳвол мураккаб. Шимолда кечаси 15—19 даражагача совуқ тушмоқда. Яйловларнинг барча қисми қор билан қопланди. Шимолда унинг қалинлиги 16—12 сантиметрга, қолган ерларда 5—8 сантиметрга етди. Қор қалин муз қатқалоғи билан қопланган. Бу чорва молларини ҳайдаб боқишда катта қийинчиликлар келтириб чиқариши мумкин.

ҚОР — ПОКЛИК, БОЙЛИК, СОҒЛИК!

ЕР ОРОМ, ДЕҲҚОН ДАМ ОЛМОҚДА, ҚЎЙЧИВОН ҚИШЛОВ МАШАҚҚАТЛАРИНИ ЕНГМОҚДА

ЯЙЛОВЛАРДА ЎЙ-ХАЁЛИМИЗ

Шу кеча-кундузда республикамиз қоракўлчилик хўжаликларида қарийб 5,5 миллион бош қўй-қўзи, жумладан 4 миллион 220 минг 900 бош совлиқ қишлаяпти

Чўпон учун чинакам синов дамлари давом этмоқда. Бу тиғиз ва масъулиятли паллада халқимизнинг бойлиги — қўй-қўзилар бир дақиқа ҳам эътибордан четда қолмаслиги керак. Вазият жуда қалтис: Томди, Учқудуқ, Конимех, Қўнғирот, Тахтакўпир, Элликқалъа районларидаги олис отарларда қор қалинлиги 30 сантиметрга борган, симоб устуни 27 даража совуқни кўрсатмоқда. Қўшработ, Нурота, Деҳқонобод, Бойсун, Фориш каби тоғли районларда йўғон чўзилиб, ингичка узиладиган дам ҳозир. Бу ерларда қорнинг қалинлиги 30—50 сантиметр, совуқ эса 20 даража атрофида. Ана шундай қийин пайтда давлат чўпонларга кўмак бермоқда. Қўшимча равишда 15 минг 800 тонна ем ажратилди. Бугунги вазифа ана шу озуқани тезлик билан жойларга етказиш, қўй-қўзиларга ёдриришдан иборат. Бу борада қимматли маслаҳатлар ва амалий ёрдам бериш учун республиканинг олис яйловларига катта гуруҳдаги олимлар, мутахассислар жўнаб кетишди.

Азиз чорвадорлар! Жорий йилда яратилажак янги отарлар тақдири бугунги фидокорона меҳнатингизга боғлиқ.

Редакциямизга чўпонларнинг бугунги матонати ҳақида ҳикоя қилувчи хат-хабарлар пайдар-пай келиб турибди.

ҲАР КУНГИ ЖАСОРАТ

Маутанқудуқ яйлови Қизилқумнинг сарҳадсиз кенгликларида жойлашган бўлиб, бу ерда Бухоро областининг Конимех районидаги «КПСС XXV съезди» совхози тасарруфидаги қўй-қўзилар боқилади. Хўжалик чўпонлари катта тажрибага эга. Улар қишнинг оғир синовига биринчи бор дуч келишаётгани йўқ. Биз Қизилқум баҳодирларининг бугунги жасоратига рақоҳ бўлдик. Кўз илғамас ширин, меҳнатидан машаққатли юмуш йўқ. Чунки бу касб соҳиби эрта тонгдан то ярим тунгача тик туриб сурув ҳайдайди. Сабаби — қоракўл қўйлар бир кеча-кундузда 4—5 соатгина дам олиши, қолган пайтлар эса яйловда яйратиб боқилиши керак. Жониворлар учун излашмоқда.

Кўк юзини қуюқ қора булут қоплади. Зум ўтмай қор учқунлай бошлади. Изғирин юзу кўзни ачитади. Лекин бош чўпон Қасқирбой Тангбоев, унинг ўғиллари Қиргизбой ва Жақсибой ўз ишлари билан банд: сурувни ёйиш боқишмоқда.

Бош чўпон табаррук таёқни қўлига олганига 30 йил бўлди. У шу муддат ичида бир фикрга комил ишонч ҳосил қилган: чўпон нонидан ширин, меҳнатидан машаққатли юмуш йўқ. Чунки бу касб соҳиби эрта тонгдан то ярим тунгача тик туриб сурув ҳайдайди. Сабаби — қоракўл қўйлар бир кеча-кундузда 4—5 соатгина дам олиши, қолган пайтлар эса яйловда яйратиб боқилиши керак. Жониворлар учун фаслнинг фарқи йўқ, қорми, ёмғирми барибир. Агар бу таомилга амал қилинмаса, кўзланган маҳсулдорликка эришиб бўлмайди. Мазкур отарда 658 бош қўй тўқ ва иссиқ қишлаяпти.

Қасқирбой ака нафақат совхозда, балки районнинг донгдор чўпонларидан. У тармоқни ривожлантириш, қўйлар зотини яхшилаш, туёқ сонини кўпайтириш, маҳсулдорлигини ошириш учун ҳалол меҳнати билан эл-юрт эътиборини қозонган. Ота-боболари касбини ардоқлаётган яйлов захматкашининг кўксини Октябрь революцияси ва Меҳнат Қизил Байроқ орденлари безаб турибди. Шунингдек у Бутуниттифоқ халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасининг учта кумуш медали билан мукофотланган. Бош чўпон бултур ҳар юз бош совлиқдан 122 тадан қўзи олиб, 400 бош жониворни ўстиришга қолдирганди. Айни пайтда давлатга 350 та юқори сифатли қоракўл тери топширди. У қўй-қўзиларни ҳамиша бирдек семиз ва соғлом боқиш, қишловда талафотга йўл қўймаслик учун аёзли тунларда ҳам, қаҳратон қор бўронида ҳам сурув ёнида. Ўзининг йиллар оша тўплаган тажрибасини ёшларга қунт билан ўргатади. Қоракўл тери сифатини яхшилаш, бу тармоқнинг азалий шон-шавкатини тиклаш борасида тинмай изланади.

1989 йил Қасқирбой оға учун жуда қутлуғ келди: у меҳнатда эришган жуда катта муваффақиятлари эвазига СССР Давлат мукофоти лауреати бўлди. Бундан руҳланган чўпон отарида ҳар куни жасорат ва матонат такрорланмоқда. Яқинда унинг ҳамқишлоқлари Қасқирбой Тангбоевга яна бир ишонч билдиришди: чўпоннинг номзодини 75-Бешқўдуқ сайлов округидан Конимех район Совети депутатлигига кўрсатишди. Биз қоракўлчилар ҳузуридан қайтар эканмиз, Қизилқум баҳодирларининг сурувга сурув қўшишдек олижаноб ишларида ютуқлар тиладик.

Б. Сайдалиев.

МАШАҚҚАТНИ ЕНГИБ

Бу йил қиш қишлигини қилаяпти. Албатта, қалин қор кўрпаси бободеҳқон учун айни муддао. Лекин Ғаллаорол районидаги Ғафур Ғулом номли совхознинг олис яйловларида қишлаётган отарларга осон бўлмаяпти. Хўжаликнинг тажрибакор чорвадорлари шу кунларда қишнинг заҳрини фидокорона меҳнат билан енгишмоқда. Бунда қишловга ўз вақтида, пухта тараддуд кўрилганлиги қўл келди. Емхашак қўй-қўзилар қишлаётган қўралар олдига келтириб қўйилганди. Айни пайтда совхознинг 30 дан зиёд отарида жониворлар қишлоқдан соғ-омон ўтказилаяпти. Чўпонлар ўртасида мусобақа қизигандан қизиган. Ҳар куни совхоз марказига яйловлардаги аҳволни баён этувчи маълумотлар келиб турибди. Қаерда вазият тангдлашса, ўша жойга ёрдам бригадаси отланаётир. Ўз касбини шарафлаб чинакам матонат кўрсатаётган чорвадорлар қаторида Абдугани Тангиров бошқарувчилик қилаётган 3-бўлимнинг Абдусаттор Фармонов бошлиқ отари коллективининг номи тилга олинмоқда. Бу ерда совхоз мутахассислари амалий ёрдам кўрсатишаётгани чўпонларнинг оғирини енгил қилаётир. Хуллас, қишловнинг боришидан барчанинг кўнгли тўқ.

А. Болибеков.

ҒАЙРАТ КЎРСАТИБ

Нурота тоғ ёнбағрига туташиб кетган Қорачатоғ сийнасида Пайариқ районидаги «Партия XXV съезди» совхозининг Зарбулоқ бўлимига қарашли 8 та отар қўй-қўзиси қишловдан ўтаяпти. Жониворлар бутун умрини чўпонликка бахшида этган Абдураҳмон Турдиев, Қўшмурод Худойқулов, Ўриш Қоқулов каби захматкашларнинг меҳри ва эътибори туфайли дуркун ўсаётир. Абдураҳмон ота ўғли Суннатуллага ўз касби сирларини қунт билан ўргатаяпти. Мазкур отарда 530 бош қўй-қўзи зооветеринария қоидалари асосида парваришланмоқда. Отасидан чўпонлик таёғини олаётган Суннатулла қишнинг қийин дамларида шошиб қолгани йўқ. Ҳар бош совлиқ кунига 9,8 озуқа бирлиги билан боқилмоқда. Рационни тузишга совхоз мутахассислари жалб этилган. Бултур бу ерда ҳар 100 бош совлиқдан 105 тадан қўзи олинган, 25 килограмм жун топширилган эди. Азаматлар жорий йилда 100 бош совлиқ ҳисобига олинажак наслни 108 тага етказишмоқчи. Ҳар қўйдан 3 килограммдан жун қирқиб олинади. Оилавий отарга бош чўпоннинг яна икки ўғли — Зокир ва Бахтиёр ёрдам беришмоқда.

С. Холиқулов.

ХЎЖАЛИКЛАРНИНГ РАҲБАРЛАРИ ВА МУТАХАССИСЛАРИ! Шу кунларда олис яйловларда меҳнат қилаётган чорвадорлар сизларнинг эътиборингиз ва ғамхўрлигингизга маҳтал. Инсон омилини фаоллаштириш ҳақида сўз кетаётган бугунги кунда фидокорона меҳнати билан эл бойлигига бойлик қўшаётган чўпонлар ҳузурига отланинглар. Ҳаммамизнинг ўй-хаёли яйловларда бўлсин!

Ширин ва аччиқ туйғулар

ОТОҚЛИ ОТ, ТУРДОШ ОТ

Неварам Шерзоднинг бу хархашасини эслаганимда ҳам кулгим қистайди, ҳам аламим келади:

— Бобо, бобожон! Менга битта отча олиб келинг, маза қилиб миниб юрай.

«От» изларман. Бош урмаган жойим қолмайди. Самарқанду Тошкент нари турсин, азим Москвада ҳам мушкулим осон бўлмайдигандай. Одамлар егулик ва кийгулик қидирсалар, менинг хаёлим ёғоч отда. Таниш-билишлардан сўрайман, суриштираман. Варшавское шоссесига, «Прага» савдо марказига боришимни тахминлаб айтишади. Ниҳоят, изларганимни топаман ва тойчоқдек сакраганимча «Яшасин чех ҳунармандлари!» дея хитоб қиламан. Тулпорчанинг туёқлари, болдирлари, сағрини, ёли, қулоқлари, думшуғи, гажжакланиб кўтарилган думи, тим қора кўзлари, марвариддай тишлари, чўзинчоқ бўйни, виқор билан сал қийшайиб турган бош, сип-силлиқ қорни ҳисларимни қитиқлайди.

Шунда эслайман:

— От чопса гумбурлар тоғнинг дараси...

— Узоқ йўлда отинг бўлсин ҳамроҳинг...

— Бировнинг отини олмоқ бўлсангиз, сағриси, сийнаси келишишин кўринг...

— Отдек соғайиб кет илоё, болам....

— Тойчоқдек чопқиллаб юрасан ҳали, ўксинма, бўтам...

Кўрганларим, ўқиганларим, эшитганларим кўзим ўнгидан ўтади. Бехосдан неварамни эслайман, қанчалик қувонишини, ёғоч отнинг устига минганича «чу-чу»лаб қийқиришини кўзим олдига келтираман. У билан зоҳиран гаплашаман: «Бобонг боққан, минги қилган тойчоқларни, мўғул отига йўғичқа ортиб емиш тўплаганини, Зарафшон қирғоқларида кўпкарилар, улоқ талашишлар, от қувишларни қандай томоша қилганини билсайдинг! Емхалтага арпани солиб, уни отнинг бўйнига илиб, жониворнинг «қитир-қитир» чайнашини, сўнг охурдаги кўк бедани қитирлатиб ейишини, бурнидан буғ чиқара-чиқара муздек сувни пиқиллиб ичишини чўнқайиб ўтирганча завқланиб кузатганини кўрсайдинг! Отхонани тозалаш, тапписини чиқариб тезак ёпиш ташвиши-чи! Эгар-жабдуққа безак тақиш нашидаси-чи! Узангига оёқ қўйиб отнинг устига сакраб миниш гашти-чи!».

Кишнаган отларимиз қани! Сўйилди, турғунлик, ҳатто ундан кейинги давр нафси ўпқонларининг еми бўлди! Гижинглаган тойчоқлар қани! Айғир ва байтал бўлмаса той қаердан туғилади! Борлари ҳам қазн-қартага сарфланди, жувонмарг этилди! Гала-гала, гурас-гурас подаларга шу тариқа қирон солинди. Шаҳарларда яккa-ярим от кўриниб қолса борми, шунинг ўзи қизиқ томоша!

«Қишлоқ ҳақиқати» муштарийлари эътиборига қуйидаги рақамларни ҳавола этаман ва уларни мушоҳадага даъват қиламан: Ўзбекистондек йилқичиликка анчайин мослашган республикада бугунги кунда атиги 93 минг от бор. Шундан 66 минг нафари колхозлар ва давлат корхоналарида, 27 минг боши аҳоли хонадонларида. 20 миллион одам яшайдиган замида 100 мингга етар-етмас! Жониворлар сони ўн йил, йигирма йил, ўттиз йил аввал қанча бўлганлигини, айниқса олтмиш-етмиш йил бурунги подалар салмоғини ўзингиз ҳисоблаб кўраверинг. Қашқадарёдаги, Жиззахдаги от заводларини, Самарқанд вилоятининг Советобод районидаги йилқиларни, бошқа жойлардаги яккам-дуккам тулпорлар тўдасини назарга олмаганимизда, умумий аҳволни ҳароб дейиш мумкин. Ишқилиб инсоннинг бу содиқ ҳамроҳи, беминнат хизматкори, қишлоқлар зийнати, яйлов беги, тоғлар султони «Қизил китоб»га тушмаса, қазини, қимизни, илик мойидан тайёрланадиган паловни фақат тушда кўрадиган бўлмасак яхши эди!

...От йили аввал югуриб-югуриб, кейин чопқиллаб-чопқиллаб ўта бошлади. Унинг хайрли, хосиятли, баракали келишига имон комил — бини аждодларимиз қадимул айёмдаёқ синовдан ўтказишган. XX аср охирги ўн йиллигининг дебочаси от рамзи билан бошландими, ҳамма ишларимиз ривожу равнақ топиши муқаррар. Истардимки, йилқилар шиддат билан кўпайсин, тойлар кишнашининг садоси тоғу тошга урилсин, келгуси асримиз кўпкарисига Ўзбекистоннинг ҳар бир фуқаросн қорабайирларни, бойчиборларни, учқур тулпорларни қамчилаб миниб борсин.

Ўксинма, Шерзоджон, бобонг омон бўлса, турдош от, яъни ёғоч отингни отоқлисига, жонлисига — Саманйўрғата албатта алмаштириб беради! Мендан тўппончамас, милтиқчамас, танкча эмас, отча сўраган тилингдан ўргилай, тойчоғим!

Аҳмаджон ҒУЛОМОВ.

Область партия комитетининг пленуми

ЖИЗЗАХ, 18 январь. (ЎзТАГ). Сирдарё область партия комитетининг бугун бўлган пленумида область ижроия комитети раиси А. А. Айдарқуловнинг Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва республика Министрлар Советининг «Колхозчилар, совхозларнинг ишчилари, гражданларнинг шахсий ёрдамчи хўжаликларини ва якка тартибда уй-жой қурилишини янада ривожлантириш тўғрисида»ги қарорини бажариш юзасидан халқ депутатлари маҳаллий Советларининг иши ҳақидаги ҳисоботи тингланди.

Коммунистлар меҳнаткашлардан 1989 йилда область партия комитетига тушган хатлар ва оғзаки мурожаатлар билан қандай иш олиб борилганлигини ҳам муҳокама қилдилар.

Пленумда Сирдарё область партия комитетининг биринчи секретари А. Ф. Клепников нутқ сўзлади.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИ, СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИДАН

Кейинги кунларда Бокуда, Озарбайжоннинг бошқа бир қанча аҳоли пунктларида, шунингдек Арманистоннинг баъзи районларида фожиали воқеалар содир бўлди, бу воқеалар совет кишиларининг қалбларига алам солди. Қон тўкилди, арман, озарбайжон ва бошқа миллатларга мансуб кишилар орасида қурбонлар бўлди.

Ҳалок бўлганларнинг оилаларига чуқур таъзия изҳор этамиз, азият чеккан барча кишиларга астойдил ҳамдардлик билдирамиз.

Мамлакат раҳбарияти бебошлик ва жиноят фактларидан совет кишиларининг қаҳр-ғазабига қўшилиб, зўравонликнинг қатъиян пайини қирқиш, ҳуқуқ-тартибот ўрнатиш, фалокатзадаларга моддий ёрдам бериш ва айбдорларни қаттиқ жазолаш учун зарур чораларни кўрмоқда.

ТОШКЕНТ: XXI АСРГА ТАШЛАНГАН ҚАДАМ

Тошкентда СССР Давлат қурилиш комитети ҳузуридаги Архитектура ва шаҳарсозлик давлат комитети коллегиясининг, мамлакат архитекторлар уюшмаси ҳайъати секретариатининг ва Ўзбекистон ССР Давлат қурилиш комитети ҳузуридаги архитектура давлат комитети коллегиясининг сайёр мажлиси бўлиб ўтди.

Тошкент шаҳрини ва Тошкент областини ривожлантиришнинг 2010 йилгача бўлган даврга мўлжалланган бош плани техникавий-иқтисодий асослари кўриб чиқилди.

Мажлисни СССР архитектура ва шаҳарсозлик давлат комитетининг раиси Е Г. Розанов очди.

Тошкент бош плани илмий тадқиқот ва лойиҳа институтининг директори Л. Т. Адамовнинг докладида ва нотиқларнинг нутқларида регионни хўжалик ва маданий жиҳатидан юксалтириш, республика пойтахтини ва пойтахт областини иқтисодий ҳамда ижтимоий ривожлантириш истиқбол планининг бош вазифаларидан бири эканлиги таъкидланди. Ўрта Осиё шароитида бу вазифанинг ҳал этилишини иттифоқдаги бошқа энг катта шаҳарларга нисбатан Тошкент тараққиётининг муайян хусусиятлари белгилаб беради. Бош планнинг мажлис қатнашчиларига тақдим этилган техникавий-иқтисодий негизлари ҳам шундан далолат беради.

Мажлисда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари И. А. Каримов нутқ сўзлади.

Мажлисда Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг раиси М. М. Мирқосимов, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари Р. А. Попов, Тошкент область партия комитетининг биринчи секретари С. М. Мамарасулов, Тошкент шаҳар партия комитетининг биринчи секретари А. И. Фозилбеков, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми раисининг ўринбосари Б. И. Бугров, республика Министрлар Совети раисининг ўринбосари Т. Я. Шарипов қатнашдилар.

(Мажлис тўғрисидаги батафсил ҳисобот газетанинг навбатдаги сонида эълон қилинади). (ЎзТАГ).

ТАЪМИНОТ, ХИЗМАТ, НАРХУ НАВО

Республика партия-хўжалик фаоллари йиғилишидан

Илгари хабар берилганидек, 17 январь куни Тошкентда республика партия-хўжалик фаолларининг йиғилиши бўлди. Бу йиғинда 1989 йилги иш якунлари ва савдони ҳамда аҳолига пулли хизмат кўрсатишни тубдан яхшилаш юзасидан партия, совет ҳамда хўжалик органларининг вазифалари муҳокама қилинди.

Йиғилишни Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг раиси М. М. Мирқосимов очди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи секретари А. С. Ефимов асосий доклад қилди.

Докладчи, қайта қуришнинг ҳозирги босқичида партия, совет ва хўжалик органларининг вазифалари белгилаб берилаётганини таъкидлади. Партия раҳбарликнинг буйруқбозлик услубидан воз кечди, министрликлар, идоралар, корхоналарнинг ишига бевосита аралашмай қўйди. Аммо келажакда ҳам, айниқса ҳозир ҳам партия иқтисодий-иқтисодий соҳага сиёсий таъсир ўтказишдан ўзини четга ололмайди. Чунки у иқтисодиётнинг аҳволи учун, совет кишиларининг фаровонлиги учун бевосита жавобгардир.

Ўтган йилдаги иш якунларига тўхталиб, 1989 йил айрим кўрсаткичларга кўра умидбахш йил бўлди, деб таъкидлади докладчи. Товар обороти плани 251 миллион сўм ортиғи билан бажарилди, 1988 йилга нисбатан анча кўп пулли хизматлар кўрсатилди. Инвестиция сиёсатида ҳам силжишлар бор. Аммо аҳвол батафсил таҳлил этилганида шу нарса аён бўлдики, товар обороти плани харидор эҳтиёжини қондириш эвазига эмас, балки кўп жиҳатдан моллар нархини ўзгариш ҳисобига ошириб бажарилган.

Ун, ёрма, кондитер маҳсулотлари, ўқувчиларнинг дафтарлари, идиш-товоқлар тақчил бўлиб қолгани билан муроса қилиб бўладими, аҳир. Нега энди бозордаги мувозанат бузилди, нега энди дўконларнинг пештахталари ҳувиллаб турибди, нега энди пул қадрсизланмоқда?

Бу ўринда бир қанча жиддий сабабларни ажратиб кўрсатиш зарур бўлади. Халқ хўжалиги истеъмолчи эҳтиёжларини ўйлаб ўз ишини дарҳол қайтадан йўналтиришга қодир бўлмай қолгани, агросаноат комплексининг самарасиз ишлашини бартараф этиш чўзилиб кетгани, капитал маблағларнинг сочиб юборилишига олиб келадиган инвестиция сиёсатидаги жиддий камчиликлар шулар жумласидандир. Бошқарувнинг маъмурий усуллари ўрнига халқ хўжалигини бошқаришнинг иқтисодий ва ҳуқуқий усулларини жорий этиш кечикаётгани ҳамда план, ишлаб чиқариш ва меҳнат интизомининг пасайиб кетаётганлиги, хўжасизлик айниқса жиддий зарар келтирмоқда.

Оқибат шу бўлдики, Ўзбекистондаги пул эмиссияси ўтган йили режалаштириб қўйилган даражадан анча ошиб кетди. Бу умумиттифоқ муаммолари жумласидандир. Аммо жойларда ҳал этилиши лозим бўлганлари ҳам бор.

Озиқ-овқат ва енгил саноатда меҳнат унумдорлигининг ўсиши республикадаги ўртача даражадан анча пастдир. Ўзбекистонга шунча кўп оддий буюмлар ташиб келтирилаяптики, буларни республикамизнинг ўзида бемалол ишлаб чиқариш мумкин. Бир неча мисол айтиб ўтмоқчиман: Удмуртия ва Татаристон АССРдан 300 миннга болта, Горькийдан 10 миннга паншаха олинмоқда. Свердловск ўроқ чалғи, қўйлар юнгини қирқиш учун қайчилар етказиб бермоқда, почта кутиларини Бошқирдистондан олмоқдамиз. Хабаровск шаҳридан бутун мамлакатни айланиб ўтиб Ўзбекистонга сабзавот солинадиган саватлар, Архангельск шаҳридан эса пластмасса воронкалар етказиб берилмоқда...

Айни вақтда иттифоқ қарамоғидаги корхоналар ва бирлашмалар - халқ истеъмоли молларини планда назарда тутилганига нисбатан 160 миллион сўмлик кам тайёрладилар. Ёки агросаноат комплексини олиб кўрайлик. Юзга яқин корхона, жумладан мавсумлар оралиғида ишчиларни қандай юмуш билан банд қилишни билмаётган 50 та пахта заводи эса халқ учун моллар ишлаб чиқаришни умуман йўлга қўйишмаган. Ваҳолонки, бу корхоналарда ишлаб чиқариш бинолари, зарур қувватлар бор.

Аҳолини турли моллар билан таъминлашдек эски муаммони бир муҳим шартни бажариб ҳал қилса бўлади: иш ҳақи фондининг ҳар бир сўмига халқ истеъмоли моллари чиқариш керак.

Докладчи корхоналар хўжалик ҳисобига ўтганидан кейин таҳликали тенденция юзага келиб, меҳнат коллективларининг сўкут сақлаб рози бўлганликлари сабабли арзон мол ишлаб чиқаришни корхоналарнинг раҳбарлари тўхтатиб қўйиб ва буюмларнинг нархини кўтариш ҳисобига фойдани оширишга интилмоқдалар. Яъни монополист ҳуқуқидан фойдаланиб, ўз муаммоларини даромади кам бўлган социал гуруҳлар —ёшлар, қариялар, кўп болали оилалар ҳисобига ҳал этмоқдалар. Шу боисдан ҳам ана шундай вазиятда республика Енгил саноат министрлиги раҳбариятининг тутаётган йўлига тушуниб бўлмайди. Ҳанузгача ҳам бу министрликда арзон нархдаги сифатли моллар ишлаб чиқаришни йўлга қўя олмаяптилар.

Аҳолини озиқ-овқат билан таъминлашдек ўткир муаммо айниқса ташвиш уйғотмоқда. Ўзбекистон давлат-кооператив қишлоқ хўжалиги комитети кўп йиллардан буён гўшт етиштириш ва савдога етказиб бериш планини бажармаяпти. Сўнгги уч йил мобайнидагина бу ташкилот 70 минг тонна гўшт қарздор бўлиб қолди. Бунинг устига 24 минг тоннадан кўпроқ балиқ етказиб берилмади.

Дон маҳсулотлари министрлигининг раҳбарлари ишни ғалати юритмоқдалар. Сўнгги йилларда нон ва нон-булка маҳсулотлари ёпишни камайтириш йўли тутилмоқда. Республика аҳолиси ўсиб бораётган бир вақтда 1989 йилда 353 минг тонна нон ёпилди, ҳолбуки 1985 йилда 416 минг тонна нон чиқарилган эди. Ўзбекбирлашув системасида ҳам аҳвол ана шундай.

Халқ учун товарлар ишлаб чиқариш, савдони ривожлантиришга, кўрсатилаётган хизматлар сифатини яхшилаб, турини кўпайтиришга ҳалал бераётган асосий сабаблар орасида докладчи ишлаб чиқариш моддий-техника базасининг қониқарсиз аҳволда эканлигини тилга олди. 1400 дан кўпроқ қишлоқ аҳоли пунктларида кундалик эҳтиёж моллари билан савдо қиладиган дўконлар йўқ. Кооператорлар ҳануз дабдабали бинолар қуришдан воз кечишгани йўқ, катта-катта универмаглар, савдо марказлари ва ресторанлар қурилаяпти. Айни вақтда 43 фоиз қишлоқ мактабларидагина ошхоналар бор. Омборлар, совутиш қурилмалари етишмай турибди. Ҳамонки, Савдо министрлиги капитал қурилиш, асосий фондларни ишга солиш планларини узлуксиз барбод этиб келаётган экан, бошқача бўлиши мумкинми? Утган йил якунлари дуруст эмас. Капитал маблағ ҳажмининг бор-йўғи 72 фоизи ўзлаштирилган, пландаги қувватларнинг фақат ярми фойдаланишга топширилган. Бунинг оқибатида 120 миллион сўм бой берилди.

Докладчи савдодаги, аҳолини кундалик эҳтиёж моллари билан таъминлаш ишидаги аҳволни таҳлил этар экан, мажлис аҳли диққат-эътиборини фан-техника тараққиёти аҳволига, ишлаб чиқариш муносабатларининг янги шаклларини жорий этишга қаратди.

Ана шу энг муҳим халқ хўжалиги тармоқлари ҳамон жуда кам механизациялашган. Бу тармоқларда асосан қўл меҳнатидан, толиқтирадиган меҳнатдан фойдаланилмоқда. Масалани ойдинлаштириш учун бир неча рақамларни айтиб ўтса бўлади. Чакана тармоқда ортиш-тушириш юмушларини механизациялаш матлубот кооперацияси системасида нари борса 12 фоизни, омбор хўжалигида 29 фоизни ташкил этади. Савдо министрлиги бўлинмаларида ҳам аҳвол худди ана шундай. Ҳозир республикада мавжуд савдодаги технология ускунаси тенг ярмининг амортизация муддати аллақачон ўтиб кетган, пештахтали 6400 дан кўпроқ совутиш қурилмалари чорак асрдан буён ишлатилмоқда. Бунинг оқибати нима бўлиши аниқ: маҳсулотлар айнийди, одамлар яллиғсига касалга чалинади. Хўш аҳволни ўнглаш учун нима қилиш керак?

Ўзбекистон ССР Давлат план комитети ва моддий-техника таъминоти Давлат комитети республикада савдо ускуналари ишлаб чиқарадиган йирик корхонани, эҳтимол, чет эл фирмаларининг маблағларини жалб этиб қуриш масаласини кўриб чиқишлари учун фурсат келди.

Биз юқорида дабдабазблик ҳақида, Савдо министрлиги ва Ўзбекбирлашув раҳбарлари улуғвор савдо кошоналари қуриб, кўз-кўз қилишаётгани тўғрисида айтиб ўтган эдик. Айни вақтда халқаро тажриба ва амалиёт «даханлар», «бистролар», чоғроқ устахоналар айни муддао эканлигини кўрсатди, ўша устахоналарни Шарқа эҳтиром билан «устахона» деб атайдилар. Тармоқда ижара муносабатларини жорий этишга дастлабки уринишлар бу муносабатларнинг самарали эканлигини тасдиқлади. Бир мисол. Тошкентдаги «Болалар дунёси» дўкони коллективини ижарага ўтказиш туфайли меҳнат унумдорлиги 8 фоиз, ойлик маоши эса учдан бир ҳисса кўпайди. Меҳнат коллективида ўзаро ишончи мустаҳкам, меҳнатнинг пировард натижасидан манфаатдорлик, яъни товар оборотининг ўсишидан манфаатдорлик вужудга келди. Лекин бундай мисоллар кўп эмас. Ижара коллективларининг салмоғи матлубот кооперацияси шохобчасида нари борса 18 фоизни, Савдо министрлиги системасида 15 фоизни ташкил этади. Биз бугун шуни эътиборга этишимиз керакки, ишчи таъминоти бошқармалари ва ишчи таъминоти бўлимларининг ўйламайнетмай тарқатиб юборилиши ўзини оқламади. Давлат савдоси ва матлубот кооперацияси ҳозирча уларнинг ўрнини босишга қодир эмас.

Докладчи хизмат кўрсатиш соҳасидек ўз ҳолига ташлаб қўйилган тармоқ ҳақида гапирар экан, маҳаллий партия, совет ва хўжалик органларининг раҳбарлари бу соҳага ҳамон бефарқ қараб туришганини таъкидлади. Кўпинча ана шу раҳбарларнинг бепарволиги, тижорат бобидаги ташаббуснинг йўқлиги туфайли одамлар энг оддий молларни сотиб ололмаяптилар, хизмат соҳасидан бебаҳра қолмоқдалар, хонадонларга телефон тушириш учун неча йиллаб навбат кутмоқдалар, меҳмонхонага жойлаша олмай, поезд ёки самолётга билет топаолмай сарсондирлар. Уй-жойдан фойдаланиш идоралари, нотариал идоралар, паспорт столларида сансалорлик авжига чиққан. Мутахассисларнинг ҳисоб-китобларига қараганда, республика аҳолиси навбат кутиши туфайли увол кетган иш вақти, саноатда банд бўлган барча ишчи хизматчиларнинг иш вақтига тенгдир! Демак дастгоҳ олдида турган ҳар бир ишчига навбат кутиб турган бир одам тўғри келар экан.

Тошбағирлик, ишдаги нўноқлик кўпинча ҳаромхўрлик, ғаразгўйлик, ижтимоий адолат принципларининг бузилишига олиб келади. Халқ контроли комитети ва ички ишлар ходимлари, ишчи назоратчилар ўтказган текширувлар шундан далолат бериб турибдики, хизмат кўрсатиш соҳаси ва савдода тартибсизликлар тўлибтошиб ётибди, моллар яшириб қўйилмоқда, чайқовчилик авжига чиққан. Тошкент шаҳар ижроия комитети савдо бош бошқармасига қарашли «Ганга» ва «Скопле» магазинларида 4 миллион сўмликдан кўпроқ моллар очиқ савдога чиқарилмай, яширилб қўйилган.

«Узоптбакалея» республика идорасининг Наманганги улгуржи базасида 300 минг сўмлик кондитер ва баққолчилик моллари узоқ вақт мобайнида чакана савдога чиқарилмай қўйилган. Матлубот кооперацияси ходимлари ўз хизмат мавқеларини жуда суиистеъмол қилмоқдалар. Андижон область матлубот жамиятининг районлараро базасида турли баҳоналар билан 32 та япон магнитофони, Францияда тикилган эркаклар пальтолари, Хитой сочиқлари анча вақт савдо шохобчасига чиқарилмаган.

Ун иккинчи беш йиллик мобайнида матлубот кооперацияси системасида 29 миллион сўмлик мол ўғирланган ва талон-торож қилинган, 2070 марта шундай ҳоллар содир бўлгани аниқланди. Шу вақт орасида бор-йўғи 13,6 миллион сўм қайтариб олинди. Ўзбекистон ССР Маиший хизмат кўрсатиш министрлиги ва Савдо министрлигида социалистик мулкни асраш борасида ҳам ана шундай аҳвол вужудга келди. Бу тармоқларда ўтган тўрт йил мобайнида камомад ва ўғирликлар икки баравардан зиёд ортди. Бор-йўғи 35 қоидабузаргина жавобгарликка тортилган. Неча юзлаб ишларни тушунтириб бўлмайдиган сабабларга кўра, прокуратура ва суд органлари кўриб чиқишмаяпти. Эндиликда бунга сира тоқат қилиб бўлмайди. Ҳар бир жиноят, ҳар бир қонунбузарлик албатта жазоланиши керак, акс ҳолда ҳуқуқий давлат тўғрисидаги гапсўзлар фақат яхши ниятгина бўлиб қолаверади.

Кундалик эҳтиёж моллари ишлаб чиқаришни кўпайтириш, аҳолига хизмат кўрсатишда кооперативлар кўп иш қилишга қодирдирлар. Кооперативлар Ўзбекистон аҳолисига кўрсатаётган хизматнинг йиллик ҳажми 1989 йилда 100 миллион сўмга, пассажир транспортида 20 миллион сўмга, дам олишни ташкил этишда 12 миллион сўмга етди. Лекин ана шу катта рақамлар ортида бошқа нарса ҳам кўринириб турибди: бир қанча кооперативлар ўз куч-ғайратларини воситачилик фаолиятига, савдо-харид фаолиятига қаратиб, нақд пулсиз муомиладаги маблағларнинг маошга айланиши ҳисобига бойимоқдалар. Кооперативларда жиноий вазият ниҳоятда ўткирлашди, жиноятлар, асосан ғаразгўйлик билан қилинган жиноятлар қарийб икки баравар кўпайди. Шунинг учун ҳам республика ҳукумати кўпгина кооперативлар, айниқса воситачи кооперативларнинг фаолиятини тақиқлаб қўйишга мажбур бўлди.

Докладчиг пировардида А. С. Ефимов қуйидагиларни таъкидлади: республика халқ депутатлари сайлови яқинлашиб қолди. Яна бир ойдан кейин одамлар сайлов участкаларига келиб, республика идоралларинг фаолиятига ўз муносабатларини билдирадилар. Шунинг учун ҳозирги кундаги энг муҳим вазифа — бозордаги мувозанатсизликка барҳам беришдан, нарх-навонинг кўтарилиши ва пулнинг қадрсизланишини тўхтатишдан, молия системасини, умуман экономикани соғломлаштиришдан иборат. Бизни оғир ва тиғиз меҳнат кутиб турибди.

Республика партия хўжалик фаолларининг йиғилишида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари Р. А. Попов, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети раисининг биринчи ўринбосари Д. Д. Берков, республика халқ контроли комитетининг раиси Б. Ф. Сатин, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми раисининг ўринбосари Б. И. Бугров, республика Министрлар Совети раисининг ўринбосари У. К. Исмоилов қатнашдилар.

(ЎзТАГ).

Ун иккинчи беш йиллиннинг якунловчи йилини зарбдор меҳнат билан бошлаган Бекобод районидаги «Далварзин» совхози чорвадорлари ферма маҳсулдорлигини ошириш учун алоҳида ғайрат кўрсатмоқдалар. Маъмурчилик бунёдкорлари ўртасидаги социалистик мусобақада моҳир чорвадор Умринисо Қорабоева пешқадамлик қилаётир. У фермага ишга келганига ўн икки йил бўлди. Бу йиллар Умринисо учун маҳорат сирларини эгаллаш даври саналади. Илғор чорвадор қарамоғидаги 32 бош говмишнинг ҳар биридан 3.300 килограммдан сут соғишга бел боғлаган. Ҳозир ҳар сиғирдан кунига 10—12 килограммдан маҳсулот олинаётир.

М. ҚОРАБЕКОВ олган сурат.

Ўзбекистон Компартиясининг ҳаракат дастурини ўқиб

Истиқболни кўриб турибмиз

Совхозимиз райондаги энг кенжа хўжаликлардан. Унинг ташкил этилганига энди икки йил бўлди. У мевачиликка ихтисослашган. 2013 гектар ернинг 640 гектари боғлардан иборат.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтмоқ керакки, коллективимиз аъзоларининг баракали меҳнати туфайли совхозимиз ўтган қисқа давр ичида ўзини тиклаб олди, қарзлардан қутулдик. Бунда маҳсулот етиштиришнинг кўпайгани муҳим аҳамият касб этди. Чунончи, якунланган йилда етиштирилган 1049 тонна меванинг 600 тоннага яқини давлатга сотилди. Полиз маҳсулотлари сотиш режадаги 719 ўрнига 858 тоннага, сабзавот эса 1364 тоннага етди. Пахта йиғим-терими ҳам уюшқоқлик билан ташкил этилди. 809 тонна оқ олтин йиғиштириб олинди, бу соҳадаги режа зиёдаси билан бажарилди.

Эришилган ютуқлар ҳақида сўз кетар экан, аввало хўжаликда ишнинг янги усулда ташкил этилганини алоҳида таъкидлаш лозим. Совхозда якунланган йилдан эътиборан ижара усулига кенг йўл очилди. Барча соҳа 16 та ижарачи коллективларга бўлиб берилди. Улар ўзаро мусобақалашиб, басма-басига меҳнат қилганлари бонс юқори кўрсаткичларга эришилди. Айниқса, Абдухалил Қорабоев бошлиқ ижарачилар мева етиштириш бўйича пешқадам бўлдилар — пландагидан ортиқча 50 тоннадан зиёд мева ижарачиларнинг ўз ҳисобига қолди. Акобир Раҳмонов бошлиқ ижарачи коллектив ҳам уч турдаги маҳсулот етиштиришда белгиланган режаларини ошириб бажариб, бошқаларга ибрат бўлди. Бу ўз-ўзидан аёнки, меҳнаткашларимизнинг моддий манфаатдорлигини оширишдир. Якунланган йилда 387 минг сўм соф фойда олишни мўлжаллаган эдик. Ҳақиқатда эса у 800 минг сўмдан ошиб кетди. Социал масалаларни ҳал этишга алоҳида эътибор қаратилаётир. Меҳнаткашларнинг уй-жой, томорқага бўлган эҳтиёжлари ҳисобга олиниб, Янгибоғ номли посёлка лойиҳаси тайёрланган. Унга кўра, жорий йилда 422 ўринли мактаб, 140 ўринли болалар боғчаси, 100 та техникага мўлжалланган марказий устахона, нефть маҳсулотлари сақланадиган омбор бинолари қурилиши бошланади. Ҳашар йўли билан спорт ишқибозлари учун стадион қуришга қарор қилинди. Посёлкага 270 хўжалик жойланиши лозим. Меҳнат коллективи кенгаш қарорига кўра, шу кунга қадар 80 хонадонга уй-жой қуриш учун ер ўлчаб берилди. 16 та уй қуриб битказилди.

Келгусида хўжалигимизни совхоз-заводга айлантириш режалари тузилаяпти. Ҳозир консерва заводи қуриш учун лойиҳа-смета ҳужжатлари тайёрланмоқда. Бу корхона ишга туширилса, мевалар ўзимизда консерва қилинади. Бундан ташқари боғларни янада кенгайтириш, кўчат етиштирадиган махсус майдонлар ташкил этиш кўзланмоқда. Икки йил ичида кўчат сотиб олиш учун 300 минг сўм маблағ сарфланди.

Маълумки, ҳозир қурилиш материаллари тақчил. Шуни ҳисобга олиб Иркутск, Олтой ўлкаси ва Кемерово областлари билан шартнома туздик. Товар алмаштириш йўли билан олинажак қурилиш материаллари хўжалигимизда уй-жой, маданий бинолар қуриш учун жуда зарур. Негаки, социал ва иқтисодий муаммоларни ҳал этмай меҳнат маромини, ютуқлар кўламини янада ошириш мумкин эмас.

Т. ҚОРАБОЕВ,
Риштон районидаги «Ўриқзор» совхози директори.

ДЕҲҚОНГА ТАЪЗИМ

МАНГЛАЙИ ТЕРИДАН ПИШАР ТОЛАЛАР

Умри ғўза қатор ораларига сув тараш билан ўтган Раҳмон отанинг қўлини беш ўғлидан фақат Мусо олди. Худоймурод совхозда, Чори район агросаноат уюшмасида иқтисодчи, Исо ва Мамараим механизатор бўлиб ишлаяпти. Негадир, Мусо тупроқ илмига ихлос қўйди. Ўрта мактабда ўқиб юрган кезларидаёқ отасининг томорқадаги экинларга ишлов бериши, айниқса суғориши қизиқтирар, падари бузрукворини турли хил саволлар билан шоширб қўярди. Қарангки, обдон чанқаган, ҳализамон қовжирайман, деб турган ниҳоллар томирларига оби ҳаёт етиб борар-бормас бирдан яшнаб кетарди. Мусо айни мана шу «сир»ни билишга ошиқарди.

— Болам, деҳқон бўламан десангиз, аввало ерни обитобида шудгор қилинг. Тупроқда ортиқча нам бўлса, бир-икки кун кутинг. Аммо асло намини қочириб ҳайдаманг — кесак кўчади. Ерни кўчатдан алдаманг, ниҳолларни захлатиб суғорманг, чанқатиб ҳам қўйманг, — дерди отахон ўғлига такрортакрор. У бултур айни пахта терими пайтида, саксон бир ёшида қазо қилди.

— Тошкент қишлоқ хўжалиги институтининг агрономия факультетини битирганимга ўн беш йил бўлган бўлса, ҳамиша отам мен учун энг яқин маслаҳатгўй эди, — дейди Мусо. — Талабалик кезларимда ёзги таътилга келганимда, у киши мени бир кун ҳам ишсиз қўймасди. Далада юриш, эгатларга сув тарашнинг ўзи жуда яхши дам, дердилар. Шу сабаб бўлдими. «Шеробод даштида 5904-И ва Термиз-14 навли ингичка толали ғўзани суғориш тартиби мавзуида диплом иши тайёрлаб, муваффақиятли ёқладим. Районга қайтгач, Ленин номли совхоз-техникумда участка агрономи бўлиб иш бошладим...

1979 йил... Афғон уруши деган машъум сўз инсонят тарихида абадул-абад тамға бўлиб қолади. Биз шу пайтгача байналмилал бурчларини ўтаётиб ҳалок бўлганлар, майиб-мажруҳлар тўғрисида чексиз алам билан гапираяпмиз. Бу ўта бемаънилик, ғайриинсоний эканлигини кеч бўлса-да тан олишга мажбур бўлдик. Мусо Раҳмонов ҳам ўша минглаб қурбонлар қаторида саналишига, эҳтимол, лаҳзалар қолгандир. Бутун вужудини совуққа олдириб, ярим жон ҳолатида қайтганида, унинг аҳволини кўрган кекса ота ва не-не орзу-умид билан бир ёстиққа бош қўйган Тиллонинг изтиробларини сўз билан ифодалаб бўлармиди?

— Мен ҳаётга иккинчи марта келдим десам, хато қилмайман, — дейди Мусо ҳаяжонини босолмасдан. — Яширишнинг ҳожати йўқ, дастлаб ёруғ оламдан умидимни узиб, ҳеч нарсага қизиқмай қўйгандим. Минг раҳмат, Железноводск шаҳрида малакали, тажрибали шифокорлар қўлида даволандим. Улар мени уйга қайта туғилгандек қилиб қуватишди. Фақат кўпроқ очиқ ҳавода юришга ҳаракат қил, деб уқтиришди. Ўша ердаёқ нажоткорларимга олий маълумотли оддий деҳқон бўламан, деб сўз бергандим. Бу — биринчиси. Иккинчидан, афғон тупроғида инсон учун ҳар қандай бойлик ёки мансабдан кўра меҳр-оқибат, ўзаро ҳурмат, эътибор устун эканлигини, она-тупроғинг бебаҳолигини англаганман. Баъзан тааммуқбга тушаман. Партия ва ҳукуматимиз миллатлараро муносабатларни яхшилаш, турли миллатга мансуб одамларнинг ака-укалардек, опа-сингиллардек яшашлари учун қанчалик ҳаракат қилаётганликларига қарамасдан, гоҳ у бурчакдан, гоҳ бу бурчакдан ноҳушликларни эшитиб, тўқлликка шўхлик қилмаяпмизмикан, деган ўйга бораман.

Ўшандан буён Мусо 1-бўлимда бригада бошлиғи бўлиб ишлаётир. Хўжалик раҳбарларинг ҳеч бўлмаса участка агрономлигини олинг, деб тиқилинч қилишлари ҳам беҳуда кетди. Олий маълумотли агрономнинг бригадирлик қилиши уят бўлади, деб бирор ерда ёзилганми, нима бўлибди, мен институтда олган билимимни ер унумдорлигини оширишга сарфлаяпман, қолаверса, шу баҳонада саломатлигимни ҳам тамоман тиклаб оламан, деган фикрида қатъий турди.

Дастлабки йилиёқ 52 гектар майдоннинг ҳар гектаридан қарийб 40 центнердан ҳосил етиштирилган бўлса, 1985 йилда бу кўрсаткич 48 центнерни ташкил этди. Натижада бригада аъзоларининг моддий манфаатдорликлари кескин кўтарилди. Ишбоши эса Бутуниттифоқ Халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасининг олтин медали билан тақдирланди.

Шу-шу, олий маълумотли агроном етакчилик қилаётган бригада деҳқонлари топшириқни Ленин йўли районидаги Ленин номли совхозда биринчилар қаторида уддалашаяпти. Якунланган йилда об-ҳаво қийинчиликларига қарамасдан, ҳар гектар майдондан пландаги 35 центнер ўрнига 37,5 центнердан ипак пахта тайёрланди. Ялпи ҳосилнинг асосий қисми машиналарда саранжомланди.

— Ҳосилдорликни гектар ҳосибига 40 центнердан ошириш мумкин, — дейди бригада бошлиғи. — Ҳамма гап ишнинг қаловини топишда. Биз ўзимизга ажратилган 52 гектар майдоннинг ҳар қаричида экин қандай ривожланишини яхши биламиз. Бир метр оралиқда ўн саккиз тупгача ниҳол қолдирилади. Қолаверса, бригада пудратининг жорий этилиши ерга, деҳқончиликка муносабатни тубдан ўзгартирди. Бизда илгаригидек совхоз ерида ишлаяпмиз, деган тушунча йўқолаяпти. Ҳар биримиз ўзимизни ернинг ҳақиқий эгаси деб биламиз, унда ўз томорқамизда меҳнат қилаётгандек берилиб ишлаймиз. Ер тўғрисидаги қонун тезроқ қабул қилинса, она-заминга бўлган эътиқодимиз, ини эъзозлашимиз шубҳасиз яна ортади. Чўл тупроғи жуда серунум, у тадбиркорлик билан муомала қилишни ҳуш кўради. Беҳуда тер тўкиб меҳнат қилиш билан мўл ҳосил етиштириб бўлмайди. Бу ерда эртаю кеч даладан чиқмасдан кетмон чопган кишини меҳнатсевар, аниқ режа асосида иш юритаётганларни эса ялқовликда айблаш нотўғри бўлур эди. Масалан, ҳозир биз барча майдонни шудгорлаб қўйганмиз. Эрта-индин ерни текислаш, эгат очиш ишлари бошлаб юборилади. Лекин айни паллада бу тадбирни амалга оширолмаймиз. Негаки, шудгорланган ер нафас олиши, кесак қишнинг қирчиллама совуғида музлаб ушалиши керак. Акс ҳолда уруғ тупроққа эмас, кесак устига тушиши туфайли текис кўчат олинмайди. Ёки бошқа мисолни олайлик. Бултур биз ўн беш гектар майдонда ҳашаки лавлаги етиштирдик. Ҳосил яхши бўлди. Биз ерни ҳатто сентябрь ойида ҳам суғорганмиз. Шудгорлаш пайтида ерда нам бироз юқори эканлигини пайқадик. Энди-чи, баҳорда пахтадан бўшаган ер билан лавлагидан бўшаган ерга бир хил муомала қилолмаймиз. Пахтадан бўшаган бир гектар майдонга 1200 куб метр сув тарасак, лавлагидан бўшаган ҳар гектар ерга 800—900 кубметр оби ҳаёт сарфлаймиз. Суғориш муддати ҳам қисқаради. Агар барча майдонга сув бир хил таралса, пайкаллар текис етилмайди, ишлов беришда ортиқча қийинчилик туғилади.

Деҳқоннинг таъкидлашича, ер тобига келгандан сўнггина чигит экилса, ниҳолнинг ривожланиши яхши бўлади. Тупроқда ортиқча нам борлигини била туриб уруғ қадалган тақдирда ерда бегона ўт кўпаяди. Бригадада бултурги шароитда ҳам лоақал бир гектар майдонга қайта чигит экилмабди. Бригадирдан бунинг сабабини суриштирганимда, у бундай жавоб берди:

— Биз чигитни суғорилган эгатнинг пуштасига экамиз. Бултур уруғнинг униб чиқиши бироз чўзилди. Сабаби, тупроқда ҳарорат етишмади. Шундай паллада кўпчилик бригадаларда чигит суви берилди. Кейин нима бўлди денг? Кутилмаганда совуқ тушди, оби ҳаётга тўйинган ниҳоллар қаттиқ шикастланди. Биз айни шу жиҳатдан ютдик. Деҳқончиликда йил йилга ўхшамайди, дейишади. Жуда тўғри фикр. Якунланган йилда об-ҳавонинг салқин келганлигини ҳисобга олиб, дала ишларига кўпгина ўзгартишлар киритдик. Хусусан, соғлом ниҳол олинганлигига ишонч ҳосил қилингач, эгат ўртасидан тўрт сантиметр жой қолдириб, кетидан йўналишини ўзгартирган ҳолда икки марта чизелладик. Махсус мослама ёрдамида чиринди сепилди. Ғўза ҳосилга кириши палласида эса гектарига 200 килограммдан аммофос солинди, сўнгра эгат оралатиб сув таралди. Бунда ғўза чанқамайди, аксинча, эгатнинг бир қисми юмшоқлигича сақланади. Хуллас, уч сув билан ҳосилни пиширишга эришдик.

Мусо Раҳмонов чўлга келиб бахтини топганлардан. У яқинда «Республикада хизмат кўрсатган пахтакор» деган юксак унвонга сазовор бўлди. Турмуш ўртоғи Тилло Сафарова ҳам унга камарбаста — бригадада меҳнат қилади. Рўзғорлари бут, ўзларига ажратилган томорқадан ҳам самарали фойдаланишаяпти. Бу ерда етиштирилаётган ширин-шакар қовун ва сабзавот маҳсулотлари оилани тўлиқ таъминлаб гина қолмасдан, ҳатто бир қисми бозорга чиқарилади. Ҳар йили бир бош новвосни сўқимга боқиб, гўштга топширишади. Ҳамжиҳат хонадон ҳозир янги уй қуриш тараддудини кўраяпти. Буларнинг ҳаммаси она-заминга, деҳқончилик касбига ихлос қўйишимдан, дейди Мусо. Ҳақиқатан у билан ер тўғрисида суҳбатлашсангиз, гурунгнинг охири кўринмайди.

— Ердан фойдаланишда ҳали ҳам уқувимиз кам, — мулоҳаза юритади у. — Масалан, бир гектар майдоннинг 0,30 гектарида ғўза ривожи паст бўлса, унга қўшимча ишлов беришни ўзимизга эп кўрмаймиз. Агар бу рақам бутун хўжалик мисолида жамланса, қанча ерни ташкил этади? Ёки қар пайкалда очилган ўқариқлар ҳисобидан қанча суғорма ердан ҳосил олинмаяпти? Бу ҳақда албатта бош қотириш зарур.

Қани энди Мусо Раҳмонов сингари олий маълумотли, тажрибали деҳқонлар сафи кенгаяверса-ю, улар ердан оқилона фойдаланиб, халқимиз фаровонлигини оширишга қўшилаётган ҳиссани тобора кўпайтираверсалар! Бу нур устига аъло нур бўлур эди.

Б. КЕНЖАБОЕВ,
«Қишлоқ ҳақиқати» мухбири.

СССР МУДОФАА МИНИСТРЛИГИ, ИЧКИ ИШЛАР МИНИСТРЛИГИ ВА ДАВЛАТ ХАВФСИЗЛИГИ КОМИТЕТИДА

Сўнгги кунларда Озарбайжон ССР ва Арманистон ССРнинг турли районларида қурол-яроғ, портловчи моддалар, жанговар техника ва асбоб-анжомларни қўлга киритиш мақсадида Совет Армиясининг, СССР Ички ишлар органларининг ва Давлат хавфсизлиги комитетининг қурол-яроғ ва ўқ-дори омборларига, бошқа объектларига талон-торож учун ҳужум қилиш ҳоллари бўлди. Қўлга киритилган қуроллардан босқинчилик, қароқчилик, регондаги кескинликни янада авж олдириш мақсадида фойдаланилмоқда. Жиноятчи ва экстремист унсурларнинг ҳуқуққа хилоф хатти-ҳаракатлари чоғида зўравонлик, дағдаға қилинмоқда, қурол ишлатилмоқда, бунинг оқибатида ҳарбий хизматчилар ва ҳуқуқ-тартибот органлари ходимлари орасида ҳалок бўлганлар ва ярадорлар бор.

Совет Армияси ва Ички ишлар министрлиги ички қўшинларнинг ҳарбий хизматчилари, милиция ва СССР давлат хавфсизлиги комитети ходимлари ана шу мураккаб вазиятда имкони борича бардошли ва оғир-вазмин бўлмоқдалар. Улар ўз ҳаётларини хавф остига қўйиб бўлса ҳам қон тўкилишига йўл қўймаслик мақсадида жиноятчиларга қуролли зарба беришдан ўзларини тийиб турдилар.

Аммо ана шундай талончилик хатти-ҳаракатларининг миқёслари ниҳоятда кенгайиб кетганлиги натижасида сира чидаб бўлмайдиган вазият вужудга келди. СССР Мудофаа министрлиги, Ички ишлар министрлиги ва Давлат хавфсизлиги комитети раҳбарияти устав талабларига ва амалдаги қонунларга қатъиян мувофиқ тарзда шахсий состав томонидан қурол ишлатиш тўғрисида кўрсатма берди.

Мазкур чоралар жиноятчи унсурлар бундан буён ҳам қурол-яроғни қўлга киритишларининг олдини олишга, тинч аҳоли ўртасида яна қурбонлар бўлишига йўл қўймасликка, ҳарбий хизматчилар ҳамда ҳуқуқни муҳофаза этиш органлари ходимларининг ҳаётини ҳимоя қилишга қаратилгандир.

ОНА-ВАТАН БЎЙЛАБ

ДУШАНБЕ. Тожикистон пойтахтида республиканинг ўзини ўзи бошқариш ва ўзини ўзи пул билан таъминлаш концепцияси лойиҳасининг асосий қондалари тўғрисидаги мунозаралар билан «Мулоқот» деб аталган янги ижтимоий-сиёсий клуб ўз ишини бошлади. Клуб Тожикистон Компартияси Марказий Комитети идеология бўлими ҳамда республика фанлар академияси олимларни ташаббуси билан ташкил этилди.

* * *

ТЕРНОПОЛЬ. Тернополдаги «Орион» радио заводида кўчма стереофоник магнитола «Орион-301С» кўплаб ишлаб чиқарила бошланди. Ана шу кассетали аппаратларнинг дастлабки партия туркуми савдо тармоқларига юборилди. Янги радио приёмникнинг овози жуда яхши, замонавий услубда чиройли қилиб безатилган, унча катта эмас. Янги магнитоланинг автоматик равишда тўхтатиладиган, шунингдек овоз ёзилган фонограммани қидириб топадиган қурилмаси бор, овоз ёзиш даражасини тартибга солади

Абдуҳамид Ҳотамов етти йилдирки Охунбобоев районидаги «Победа» колхозида механизаторлик касбини шарафлаб келмоқда. У кузда ерларни шудгорлашда фидокорлик кўрсатган эди, ҳозир эса техника воситаларини созлашда ҳамкасбларига ибрат бўлаяпти.

Бош устахонада Абдуҳамидга ўхшаган ўз ишининг усталари кўп. Шу боис бу ерда машина-механизмларнинг ярмидан кўпроғи экиш-тикиш мавсумига тахт қилиб қўйилди.

СУРАТДА: илғор механизатор Абдуҳамид Ҳотамов.

Л. КИМ олган сурат.

ИҚТИСОДИЁТ ЯНГИЛИКЛАРИ

КОМПЬЮТЕР ИШГА ЖОЙЛАШТИРАДИ

Хоразм область ишга жойлаштириш марказидаги компьютернинг ёрдами билан юзга яқин киши ўзига иш топди.

ЭҲМ хотирасига область корхоналари, ташкилотлари ва муассасаларидаги бўш жойлар тўғрисида маълумотлар киритилган. Бундан ташқари, компьютер кўнглига ёқадиган иш топишни хоҳловчи юзлаб кишиларни «ёди»да сақлайди. Ана шу ЭҲМ даъвогарларнинг профессионал тайёргарлик даражасини ва иш стажини ҳисобга олган ҳолда улар учун мақбул вариантни қидириб топади.

Электроника аҳолининг иш билан бандлиги масаласини ҳал этишда фақат областдагина ёрдам бериб қолмайди. Тез орада у оилаларни мамлакатнинг ишчи кучлари етишмаётган турли районларига уюшган ҳолда кўчириш билан ҳам шуғуллана бошлайди. Ҳозирнинг ўзидаёқ анчагина хоразмликлар Чита ва Кострома областларидаги ўрмонлар ва чорвачилик фермаларида меҳнат қилишмоқда.

ЯНГИ КОНЛАРНИ ИЗЛАБ

Орол денгизининг ғарбий соҳилидаги «Мурун» деган яйдоқ жойда табиий газ отилиб чиқа бошлади. Қорақалпоғистон нефть ва газ қидириш экспедициясининг коллективи ўтган йил программасини ана шундай муваффақиятли иш билан якунлади. Устюрт ва жанубий Оролбўйини қамраб олувчи кенг территорияда бурғиланган жами чуқурлиги 31 минг метрлик қудуқлар орқада қолди. Тўғри, ер қаърини қидирувчилар ўз топилмаларидан хурсанд бўлиб, дўппиларини осмонга отишга шошилишмаяпти. Ёқилғи запаслари ҳажмини аниқлашда хатога йўл қўймаслик учун қидирув ишлари давом эттирилмоқда. Чинакамига катта манбадан дарак берувчи кучли газ оқими чиққанидагина янги кон ҳақида гапириш мумкин бўлади. Газ запаслари ҳажмини аниқ белгилаш учун қўшимча қудуқлар бурғиланади. Ҳозирча эса олинган маълумотлар лабораторияларда синчиклаб ўрганилмоқда.

ГАЗЧИЛАР УЧУН «ПОЛИЗ»

«Средазгазпром» ишлаб чиқариш бирлашмаси газчиларни озиқ-овқат маҳсулотлари билан мунтазам таъминлаш мақсадида Қашқадарё областидаги «Дружба — Уренгой — Шўртон» ёрдамчи хўжалигини ривожлантириш учун 15 миллион сўм ажратди. Бу ерда 10 минг бош чўчқага мўлжалланган чўчқахона қурилиши бошлаб юборилди, колбаса ва дуд-лаш цехлари жиҳозланмоқда. 6 гектар майдонда теплица қурилиши, 630 мингта товуққа мўлжалланган паррандахона, 500 минг бош молга мўлжалланган молхона барпо этилиши, насос станцияси кенгайтирилиши режалаштирилмоқда. 5—6 йил мобайнида 2400 гектар ер ўзлаштирилади.

Уй-жой муаммоси ҳам ҳал этилмоқда. Совхоз ходимларига пландаги 200 коттеждан ҳозиргача 17 таси топширилди.

Хўжаликда содир бўлаётган ўзгаришларни газ саноати ходимлари дарҳол ҳис этишди. Гўшт ва сут, «ўз томорқаларида» етиштирилган сабзавот ва мева билан таъминлаш анча яхшиланди.

(ЎзТАГ).

ҚИСҚА САТРЛАРДА

Жалолқудуқ районидаги Гоголь номли 34-мактаб счётида ишлаб топилган минг сўмдан кўпроқ пул пайдо бўлди. Ўтган йили яхшигина шафтоли ҳосили олинган мактаб боғи даромад манбаи бўлди. Бундан ташқари, ўқувчилар ўзлари ўстирган терак кўчатларини сотишди. Карл Маркс номли колхознинг уч гектар ерида улар маккажўхори экинини парвариш қилишди. Мавжуд маблағлар мактабни янги ускуналар билан жиҳозлашга сарфланмоқда.

* * *

Каттақўрғонда суткасига 20 кубметр сувни тозалаб берадиган иншоотларнинг дастлабки навбати ишга туширилди. Оқаваларни тозалаш заводи ҳам ишлай бошлади. Бу Зарафшон дарёсини ифлосланишдан сақлаш йўлидаги дастлабки қадамлардир. Тозалаш иншоотларининг қуввати бундан буён ҳам оширилаверади.

КОСОНЛИКЛАР ТАЖРИБАСИДАН

ИМОРАТ ҚУРМОҚЧИМИСИЗ? ЁРДАМНИ АЯШМАЙДИ

Янги аср бошлангунга қадар ҳар бир оила ўз уйига эга бўлишига эришиш ҳаракат дастурларимиз орасидаги энг муҳимларидан саналади. Турар жой қурилишини ривожлантириш учун пул билан таъминлашнинг кўпгина манбаларидан фойдаланилмоқда. Маҳаллий Советлар орқали давлат бюджети, корхоналар, колхозлар маблағлари ҳисобига уйлар барпо этиш тобора кенгайтирилаяпти. Кооператив ва якка тартибда турар жой қуриш усулларининг ривожлантирилаётганлиги шу муҳим ишга аҳоли маблағларини жалб қилишда катта аҳамият касб этмоқда. Республикамиз учун шу йўналиш бўйича ишлаб чиқилган ҳаракат дастурида уйларнинг қарийб тўртдан уч қисмини якка тартибда қуриш кўзда тутилган.

Бундан бир неча йил илгари кенг қўламдаги режалар белгиланган бўлса-да, уларнинг беками-кўст амалга оширилиши учун зарур шарт-шароит яратилмаган, тадбирларнинг бажарилиши иқтисодий жиҳатдан мустаҳкамланмаган эди. Хусусан якка тартибда уй қурмоқчи бўланлар учун ер ажратиш жуда секинлик билан ҳал этилар, ғишт, ёғоч-тахта, шифер, тунука сингари бинокорлик материаллари билан таъминлаш етарлича эмасди. Республикамиз партия ва ҳукумати томорқаларни кенгайтириш, якка тартибда уй қурувчиларга ер ажратишни кўпайтириш ҳақида қарор қабул қилганларидан сўнг шу масалаларнинг ҳал этилиши анча яхшиланди. Хўш, бинокорлик материаллари таъминотида аҳвол қандай, бу борада олдинга силжиш бўлаяптими? Қашқадарё областининг Косон районида якка тартибда уй қурувчиларга материаллар етказиб бериш масаласи билан яқиндан танишдик.

Район матлубот жамиятлари уюшмасига қарашли ёқилғи ва қурилиш материаллари омборида қизғин иш жабҳасининг устидан чиқдик: икки машинага ёғоч, битта транспортга шифер юклашаётган экан. Бироз нарироқда эса тахталарни тартиб билан тахлашмоқда. Кўп ўтмай омбор мудири Чори Бобоқулов шу материалнинг ҳажмини ўлчаб, қанча куб метр эканлигини аниқлади ва керакли ҳужжатни расмийлаштирди. Автотранспорт воситаларининг биқинига «ТЭА» тамғаси туширилганлиги эътиборимизни тортди. Чори ака изоҳ берди:

— Илгари якка тартибда уй қурувчилар бинокорлик материалларини олиб кетиш учун машина ахтариб, анча қийналишарди. Шунга барҳам бериш, одамларга қулайлик яратиш мақсадида транспорт агентлиги раҳбарларига аҳволни тушунтирдик. Улар билан маслаҳатлашган ҳолда базамизда шу ташкилотнинг кичик бўлинмасини очдик. Эндиликда бир неча машина кишиларга хизматга шай турибди. Қулайликлар яратиш ҳақида гап очилган экан, кейинги пайтда амалга оширилган яна икки тадбир ҳақида ҳикоя қилиш ўринлидир. Биринчиси: район ижтимоий таъминот бўлими тақдим этган ҳужжатларга мувофиқ ёқилғи ҳамда бинокорлик материалларини Улуғ Ватан уруши ногиронларининг уйларига етказиб бериш йўлга қўйилди. Бу юмушни ходимларимиз ado этишмоқда. Иккинчиси: 1989 йилда ёғоч тилиш қурилмаси ишга туширилди. Бу ерда ойига 20 куб метр ҳажмдаги тахтага ишлов берилиб, аҳолининг буюртмалари ҳам бажарилаяпти.

Дарҳақиқат, омбордаги иш жабҳалари билан танишган киши аҳолининг талабэҳтиёжини қондириш йўлида ибратли тадбирлар кўрилаётганлигига ишонч ҳосил қилади. Ойлик топшириқлар 50 минг ўрнига 70 минг сўмга ado этилаётганлиги ҳам шундан далолат беради. Якка тартибда уй қуриш миқёслари ортаётганлиги муносабати билан бинокорлик материаллари савдоси ҳажмида ўзгариш бўлаяптими, деган саволимизга ижобий жавоб олдик.

— Икки йил муқаддам ҳар кварталда беш-олти вагон ёғоч-тахтани қабул қилиб олиб, аҳолига сотардик, — дейди Ч. Бобоқулов. — Ҳозирги пайтда эса бу кўрсаткич икки-икки ярим баравар кўпайди. Яъни якка тартибда уй қурувчилар ҳар кварталда 10—13 вагон ёғоч-тахта билан таъминланмоқдалар. Шифер масаласида ҳам айнан шундай ўсиш бўлди. Икки йил муқаддам ҳар кварталда 8 минг дона сотилган бўлса, ҳозир 18—19 мингтага етаяпти. Келажакда аҳолига хизмат кўрсатиш ҳажмини янада оширишни кўзлаяпмиз. Бунинг учун ёғоч-тахта тилинадиган, буюртмалар бажариладиган бўлинманинг фаолиятини кенгайтирамиз.

Райондаги якка тартибда уй қурувчиларни бинокорлик материаллари билан таъминлашга «Ўзтоплесторг» улгуржи чакана савдо бирлашмасининг Косон филиали коллективи ҳам муносиб ҳисса қўшаяпти. Ана шу бўлинмага ташриф буюрган киши энг аввало бу ердаги саранжом-саришталикни, ҳамма нарса тартибли эканлигини ҳис этади. Буни таъкидлаётганимизнинг сабаби шундаки, аксарият омборларда хўжасизлик, исрофгарчилик ҳукмрон бўлади, материаллар айқаш-уйқаш ётганлигидан теварак-атрофга оёқ босиш мушкул. Иккинчи диққатга сазовор жиҳати шундаки, кираверишга ёғоч-тахта, шифер ва бошқа нарсаларни сотиб олиш тартиблари баён этилган маълумотномалар осиб қўйилган. Бу ерга келган киши ҳеч бир қийналмай йўл-йўриқ олиши мумкин. Ғишт, бетон ҳақидаги эълонлар эътиборимизни тортди. Чунки омборда бундай бинокорлик материаллари йўқ эканлиги кўриниб турарди. Филиал мудири Бўри Жонбўтаев тушунтирди:

— Ғишт сотиб олишни хоҳлаганлар бу ерга келиб, пулини тўлашади. Сўнгра шу ҳужжатга асосан Косон ғишт заводидан бизнинг фонд ҳисобидан маҳсулот олишади. Шу тадбир турли оворагарчиликларга чек қўяди. Заводга ғишт олиш учун борган якка тартибда уй қурувчиларга автотранспорт хизмати ташкил этилган. Аҳолини шундай зарур материал билан таъминлаш кейинги пайтда икки баравардан зиёд кўпайганлигини айтиб ўтиш зарур. Масалан, 1987 йилда 150 минг дона ғишт сотилган бўлса, 1989 йилда бу кўрсаткич 330 мингтани ташкил этди. Бетон масаласига келганда шуни айтиш керакки, илгари пул тўланганлиги ҳақида биз берган ҳужжатга асосан у заводдан тарқатиларди. Ҳозир эса шу корхонага пулли хизмат кўрсатиш плани белгиланганлиги сабабли бу маҳсулотни аҳолига унинг ўзи сотаяпти. Биз одамларга ўша жойдан қоришма олиш мумкинлигини тушунтираяпмиз.

Мудирнинг ҳикоясидан кўриниб турибдики, бу ерда ғишт сотиш икки баравардан зиёд кўпайган. Айнан шундай ўсишни ёғоч-тахта, шифер ва бошқа материаллар таъминотида ҳам кўриш мумкин. Қуйидаги таққослашларга эътибор беринг. Якка тартибда уй қурувчиларга 1984 йили 5 минг, 1985 йили 7 минг, ўтган йилда эса 12 минг куб метр ёғоч-тахта етказиб берилди. Бу ерда шифер билан савдо қилиш йилдан-йилга ўсиб бораяпти. Аҳоли 1984 йили 43 минг, 1985 йили 57 минг, 1988 йили 72 минг, ўтган йили эса 96 минг дона шундай ғоят зарур материал билан таъминланди.

— Савдо ҳажмини кўпайтириш билан бирга пулли хизмат кўрсатишни кенгайтиришга ҳам алоҳида эътибор бераяпмиз, — дейди Б. Жонбўтаев. — 1989 йили иккита қурилма ишга туширилиб, ёғоч-тахтани тилиш, рандалаш, нақш солиш йўлга қўйилди. Шу бўлинмада аҳолининг якка буюртмалари ҳам бажарилмоқда. Бу ерда ўтган йили етти минг сўмлик пулли хизмат кўрсатилган бўлса, 1990 йилда янада кўпайтирамиз. Якка тартибда уй қурувчиларнинг талаб-эҳтиёжларини қондиришда Раҳмат Зубайдов, Раим Саидов, Комил Саидмуродов, Саид Хўжамуродов сингари ходимларимиз жонбозлик кўрсатмоқдалар.

Ўзбекистон Компартиясининг сайловолди ҳаракат дастури — республикамизни миллий, ижтимоий, иқтисодий ва маънавий ривожлантиришнинг, меҳнаткашлар фаровонлигини оширишнинг асосий йўналишларида «1990 йилда 10,4 миллион квадрат метр уй-жой қуриш кўзда тутилмоқдаки, бу 1989 йилдагидан 2 миллион квадрат метр ёки 25 фоиз кўпдир... Сўнгги йилларда биринчи марта меҳнаткашларнинг уй-жой билан таъминланишини амалда яхшилашга эришилади... Беш йиллик ичида цемент, шифер, ғишт ишлаб чиқариш 1,5—1,7 баравар, ленолеум, пардозлаш қошинлари тайёрлаш 3—4 марта кўпаяди... Бу эса келгуси беш йилликда қурилиш бўлинмаларининг ҳам, якка тартибда уй қурувчиларнинг ҳам моддий ресурсларга бўлган эҳтиёжларини қондириш имконини беради», — деб таъкидланган. Белгиланган ана шу марралар, режалар аҳолига бинокорлик материаллари етказиб беришда сезиларли силжишларга эришган косонлик таъминотчиларни ютуқларни янада кўпайтиришга ундамоқда.

С. САЙДАЛИЕВ, «Қишлоқ ҳақиқати» мухбири.

СУРАТДА: бинокорлик материаллари омбори мудири Чори Бобоқулов Косон районидаги Чуйков номли совхозда яшовчи Гулбой Саидов сотиб олаётган тахтани ўлчамоқда.

М. КОМИЛОВ олган сурат.

ТЎҒРИ ЙЎЛ ТАНЛАНДИ

Амударё районидаги «Оқ олтин» колхозининг деҳқонлари баҳорги дала ишларига тайёргарликни қисқа муддатда тугалладилар. Бунинг сири жуда оддий — томорқа учун ер олган оилалар яхши кайфият билан меҳнат қилишди. Қўшни Партия XXII съезди номли, «Коммунизм», Ленин номли колхозларнинг меҳнаткашлари ҳам ўз томорқаларида баҳорги юмушларни бошлаб юборишга тайёр туришибди. Деҳқончилик жадал суръатда олиб бориладиган районда 12583 оилага 1798 гектар ер ажратилди — бу автоном республикада эришилган энг яхши кўрсаткичларнинг биридир.

Ўрганиш, таҳлил этиш натижалари, хусусан томорқа ерларида суғориладиган майдонлардан юқори ҳосил олинишини кўрсатиб турибди. Бу ерларда етиштирилган маҳсулотларнинг сифати жуда яхши. Ўтган йили етиштирилган маҳсулотга нисбатан эҳтиёж анча катта бўлди, эндиликда эса аҳолининг талаби янада тўлароқ қондирилади.

Афсуски, автоном республиканинг ҳамма ерида ҳам ушбу режани рўёбга чиқаришга етарли эътибор бермаяптилар. Бинобарин, катта ерлари бўлган, аҳоли унча зич жойлашмаган шимолий районларда англашилмовчиликларга, сансалорликка йўл қўйилаётганлигига ажабланасан, киши.

Тахтакўпир районида 714 оилага атиги 230 гектар ерни бўлиб беришди. Қорўзак ва Мўйноқ районларида аҳвол бундан яхши эмас. Хўжаликларнинг раҳбарлари одамларга ер ажратишда хизмат мавқеларини суиистеъмол қилаётганликлари, деҳқонларга ташландиқ ерларни ажратаётганликлари ҳақида хабарлар келмоқда. Бундай ерларда ким ҳам ишларди, дейсиз.

Республика халқ назорати комитетида мазкур масалалар юзасидан фуқароларни қабул қилиш учун махсус хона ажратилган, маҳаллий матбуотда ҳар бир киши қўнғироқ қилиши мумкин бўлсин учун унинг телефон номери ҳам кўрсатилган.

Автоном республикада томорқа ерлари ажратилиши билан гўшт-сут маҳсулотлари етиштирадиган фермер хўжаликлари кўпаяётганлиги қувончлидир. Кегайли районининг ўзидагина 170 тадан кўпроқ шундай хўжалик тузилди.

В. ЛУЦЕНКО. (ЎзТАГ).

Чет эллларда

ВОҚЕАЛАР • ХАБАРЛАР • ФАКТЛАР • ШАРҲЛАР

ҚИТЪАЛАР ОВОЗИ

ВАШИНГТОН. Қўшма Штатлардаги сиёсий, савдо-саноат ва академик доираларнинг таниқли вакилларини бирлаштирган Америка—Совет муносабатлари комитети СССР билан АҚШ ўртасидаги савдо-иқтисодий муносабатларни нормаллаштириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этишга даъват қилди. Бу нуфузли жамоат ташкилоти тарқатган баёнотда АҚШ конгрессидан икки томонлама савдо-сотиқнинг ривожланиш йўлини тўсаётган камситувчи Жексон-Вэник тузатишини дарҳол бекор қилиш талаб этилган. «Ҳозир Совет Иттифоқида юз бераётган ўзгаришларни ҳисобга олганда, — дейилаган камситувчи Жексон-Вэник тузатишини қабул қилиб, кўпгина бошқа мамлакатлар эга бўлган савдо-сотиқда мумкин қадар кўпроқ қулайлик яратиб бериш мақомидан СССРни маҳрум этиш натижасида вужудга келтирилган чеклашларни сақлаб қолиш учун ҳеч қандай асос йўқ».

* * *

ВАРШАВА. Польшада дори-дармонларнинг чакана нархи 100—900 фоиз ошади. Молия министрлигининг хабар қилишича, асосан четдан келтирилган хом ашёдан бу ерда тайёрланувчи дори-дармонларгина қимматлашади.

* * *

ПЕКИН. Партиядаги ва умуман жамиятдаги порахўрлик Хитой Коммунистик партиясининг ривожланишига тўсқинлик қилиб, ҳатто унга инқирозга юз тутиш хавфини солаяпти. Агар партия бу муаммони ҳал этмаса, у халқ ишончидан маҳрум бўлади. Хитой Компартияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, шаҳар партия комитетининг секретари Ли Симин пойтахт шаҳар партия комитети интизомини текшириш комиссиясининг бу ерда бўлиб ўтган мажлисида ана шуларни таъкидлади.

Унинг сўзларига қараганда, айрим кадр ходимлар ўз атрофларида иззатталаблик ва лаганбардорлик вазиятини вужудга келтиришга катта эътибор беришмоқда, бу эса партиявий принципларга зид. «Сиёсий порахўрликнинг бундай кўриниши иқтисодий порахўрликдан ҳам ёмонроқдир», — деди пойтахт партия ташкилотининг раҳбари.

* * *

БАЙРУТ. Исроилда иқтисодий аҳволнинг ёмонлашганлиги туфайли бу мамлакатнинг шимолий қисмида кучли норозилик намойишлари бўлиб ўтди. Хазор-Хаглилитда юзлаб одамлар бу шаҳарчага олиб борадиган йўлни тўсиб қўйиб, шу билан «Куар индастриз» корпорациясига қарашли маҳаллий заводдаги оммавий тарзда ишдан бўшатишларга қарши қатъий норозилик билдирдилар. Жиддий молиявий қийинчиликларни бошидан кечираётган бу корхона маъмурияти яқинда 150 нафар ишчини ишдан бўшатишга қарор қилди. Натижада Хазор-Хаглилитдаги кўпгина оилаларни кун кўриш учун пул топиш имконидан маҳрум этди. «Бизга нон керак, бизга иш керак, — деб бақиришди сешанба куни йўлни тўсиб қўйган намойишчилар. — Биз ўз болаларимизни боқишимиз керак».

* * *

САН-ФРАНЦИСКО. «Хуан Матта Баллестерос муддатидан илгари озод қилиниш ҳуқуқисиз умрбод қамоқ жазосига ҳукм этилди». Федерал судья болғачасининг шу сўзлардан кейин янграган зарби гондураслик миллиардер иши юзасидан Лос Анжелесда ўтказилган суд жараёнига нуқта қўйди. Бу миллиардерни эксперткриминалистларнинг ҳисобкитобларига қараганда, халқаро қорадори жиноятчилигининг энг кучли 10 та раҳнамоси сафига киритиш мумкин. Тергов материалларига қараганда, Матта Колумбиядаги қорадорифурушлар бирлашмалари билан яқин алоқада бўлган ва наркотик моддалар контрабандаси учун Гондурас ва Мексика орқали АҚШга янги маршрутлар очган. Айни шу одам 80-йиллларнинг бошларида Колумбия қорадори жиноятчилиги операцияларининг анчагина қисмини Лос-Анжелесга ўтказишда ташаббус кўрсатган эди. Қамоққа олиниш арафасида Баллестерос Америка маъмурларининг маълумотларига қараганда, қудратли қорадорифурушлар салтанати «тахтида ўтиргган». Унинг икки миллиард доллардан зиёд шахсий бойлиги бор эди.

КАСПИЙДА СУВ САТҲИ КЎТАРИЛДИ

ТЕҲРОН. (ТАСС). Кейинги йилларда Каспий денгизининг сув сатҳи бир ярим метр кўтарилган, деб хабар беради Эронда чиқадиган «Аброр» газетаси. Бунинг натижасида Эроннинг жанубий қисмида сув чегаралари қуруқлик сари ўрта ҳисобда 150 метр ичкарига сурилган.

Эрон олимларининг фикрича, Каспийда сув сатҳининг бундай кўтарилиши янги ёки кутилмаган ҳодиса эмас, кўп йиллик қузатувлар шуни кўрсатдики, денгизда сув сатҳининг кўтарилиши ёки пасайиши 30—35 йилда бўлиб турар экан. Сув ресурсларининг учдан икки қисми денгизга Волгадан, қолган қисми эса ер ости манбаларидан, шунингдек бошқа кичик дарёлардан, асосан Кавказ тоғ чўққиларидан келиб тушади. Кейинги йилларда жуда кўп ёғингарчилик, тоғлардаги қорларнинг кўплаб эриши натижасида мазкур манбалардан келаётган сув ҳажми анча кўпайган. Бундан ташқари, деб ҳисоблашади олимлар, Каспий денгизининг умумий ҳолати учун жуда катта аҳамиятга эга бўлган Қорабўғоз кўрфазининг булғанганлиги туфайли ундаги сувнинг бўғланиши камайган.

Ана шу муносабат билан денгизнинг Эрон соҳилида янги пристанлар ва причаллар қурилади, қўшимча порталарни барпо этиш мўлжалланмоқда.

ҚОНУНИЙ ТУС БЕРИЛДИ

БУХАРЕСТ. ТАСС мухбири Вадим Малютин хабар қилади: Руминия социал-демократик партияси (РСДП) программасининг биринчи моддасида «ирқи, жинси, қайси динга мансублиги ва миллатидан қатъи назар барча руминлар партияси» деган сўзлар ёзиб қўйилган. Уни 15 январь куни Бухарест муниципал суди миллий нажот фронти кенгашининг декретига мувофиқ рўйхатга олди.

«Адевэрул» газетасида эълон қилинган программада РСДП аъзолари мамлакат ижтимоий ва иқтисодий тузилишини нормаллаштириш, Руминия жамияти барча кучларининг демократик мулоқотини ривожлантириш учун шарт-шароит яратиш ишида миллий нажот фронти фаолиятини қўллаб-қувватлашни ўзларининг биринчи навбатдаги вазифалари, деб билишлари таъкидланган.

СУНЪИЙ ЭЛЕКТР ЮРАК

НЬЮ-ЙОРК. ТАСС мухбири Вадим Чистов хабар қилади: АҚШ ҳукумати ўтган ҳафтада «Жарвик-7» типидаги сунъий юракни ўтказиш учун ундан фойдаланишга рухсат беришдан бош тортишидан аввалроқ Америка мутахассислари жарроҳликнинг бу йўналиши истиқболи алоҳида электр юракни ўтказиш билан боғлиқ деган хулосага келдилар. Уларнинг фикрича, бу юрак ҳам ички, ҳам ташқи истеъмол манбаидан фойдаланиб ишлаши керак.

Юрак, ўпка ва қон миллий институти ҳозир Пенсилвания штатининг Херша шаҳридаги медицина марказида, ЮТА университетида, Техасдаги юрак институтида ва Кливленддаги марказий клиникада ана шундай аппаратни ишлаб чиқишни пул билан таъминламоқда. Мутахассислар «ЮТА-100» типидаги сунъий электр юракка жуда кўп умид қилмоқдалар. Бундай юрак иккита моделга: пневматик ва гидравлик моделга эга.

Гарчи уларнинг иккиси ҳам ҳозирги вақтда жониворларда синаланётган бўлишига қарамай, «ЮТА-100» типидаги гидравлик вариантини бирмунча истиқболли деб ҳисоблашмоқда. Бу эллипс шаклидаги пластик аппарат бўлиб, унинг ҳажми «Жарвик» типидаги сунъий юракдан кичиқдир. Бу «насос» автоном озиқланувчи батареяга, шунингдек «симлар» системасига эга. Булар электр энергиясининг ҳар қандай манбаларига уланиши мумкин. Бу сунъий юрак «Жарвик»дан фарқли ўлароқ, одамга ўрнатилганидан сўнг юриш, қандайдир жисмоний ҳаракатлар қилиш ва ҳатто ишлаш имконини беради.

«Жарвик-7» аппаратини ҳукумат унинг конструкциясидаги бир қанча нуқсонлар, шунингдек бу аппарат олиб ташланганидан сўнг, юрак хуружларига ҳамда қон талашиб қолишига олиб келганлиги муносабати билан даволаш практикасидан чиқариб ташлаган эди.

Жанубий Африка Республикасида оқ танли кишиларнинг қора танли аҳолига муносабати бирмунча ўзгармоқда. Кейинги пайтларда мамлакат матбуотида эълон қилинган баъзи материаллар шундан далолат беради. «Стар» газетасида босилган суратда қўлида қора танли қизчани кўтариб турган оқ танли аёл тасвирланган. Кэрол Маркс онаси тўсатдан вафот этган тўрт нафар ёш болани қарамоғига олди.

Лекин бундай мисоллар, ўзгаришлар кўп эмас. Финляндияда чиқадиган «ЮВ» журналидан олинган ушбу суратда ЖАРнинг Соуэто шаҳридаги қора танли болалар тарбиялаётган, симли тўр билан ўралган боғчани кўриб турибсиз.

(ТАСС).

СУРАТДА: Ҳиндистоннинг биринчи бош министри Жаваҳарлал Нерунинг Дехлидаги қароргоҳи жойлашган бино олди саҳнаҳлар билан доимо гавжум. Ҳозир у ёдгорлик музейига айлантирилган.

С. КАРМАЛИТО олган сурат. (ТАСС).



ЎЛМАС СИЙМОЛАР

СУРАТДА: Ҳ. Наримонов «Майна Ҳасанова» фильмида ота ролида.

ЧЎПОНДАН ЧИҚҚАН САНЪАТКОР

Хенрих Хайненинг афоризм сифат сўзларини яхши кўраман, чунки улар терен фикр, чуқур мазмун билан йўғрилган. У айтган мана бу сўзлар мазмунини чақайлик-а: «Тўпловчилар дунёдаги энг бахтиёр кишилардир...». Йўқ, асло, машҳур ёзувчи бу ерда мешчанлар каби мол-матоҳ йиғадиганларни кўзда тутаётгани йўқ, аксинча, у инсон қадриятини ўзида мужассам этган маънавий бойликларни тўплаб, маданий хазина бунёд этувчиларни назарда тутади.

Ҳа, бундай кишилар оламда кам эмас — бири мозийни ўзида акс эттирувчи ноёб тангаларни тўплайди, яна бири ҳаётнинг турли ҳодисаларини мужассам этган маркалар йиғади, бошқалари эса у ёки бу муаллифларнинг китобларини излаб топиб, хонасидаги жавонини тўлдиради... Ўзбекистон ССР халқ артисти Ҳамидулла Наримонов ҳам умри бақо адиб айтиб ўтган «тўпловчи»лардан эди — санъат билан, театр ва кино ижодиёти билан боғлиқ фотосуратлар, спектаклларнинг программаларини асраб-авайлаб йиғиб келарди, ўзига хос тарихий кўргазма— бой ва сермазмун альбомлар тузган эди.

Касб-корим сабаб мана шундай альбомларни кўздан кечириб, ўрганишни жуда ёқтираман, зеро, улар ўз «тўпловчиларни ҳаётлигидаёқ ва ундан сўнг, орамиздан кетганларида ҳам шахсий тўплам доирасидан чиқиб, маданий ҳаётимиз зарварақларига, ижодий коллективларимиз босиб ўтган қизиқарли йўлларни акс эттирувчи тасвирий солномага, санъат намояндаларининг у ёхуд бу даврдаги ижодий меҳнатидан, зафарларидан, машаққатли изланиш жараёнларидан далолат берувчи тарихий ҳужжатларга айланади. Санъатшунослар бундай ҳужжатларни синчиклаб ўрганадилар, таҳлил этадилар, саҳна ва экран сеҳргарлари ҳақида мақолаю рисолалар яратилаётганида улар бебаҳо манба бўлиб хизмат қилади.

Мана, Ҳамидулла Наримоновнинг умр йўлдоши Лутфихон ая сақлаб келаётган катта, тартибли, ихлос билан тузилган альбомни варақлаб, кўздан кечираётирман: ушбу заҳматкаш актёр яратган сиймолар, у ярим асрдан зиёд ижодда бўлган Ҳамза номли академик драма театри саҳнасида мужассам этилган спектакллар бирин-кетин кўз олдимдан ўтиб бормоқда. Мана, эллигинчи йилларда саҳнада кетган, ўша вақтлардаги турмушда учраётган нуқсонларни драматург Баҳром Раҳмонов дадил кўтариб чиққан ва анчамунча шов-шувларга сабаб бўлган «Юрак сирлари» спектаклидан фотосурат: унда Ҳ. Наримонов Хайриддин ролини ижро этиб, томошабинларга манзур қилган эди.

Буниси эса ўзбек театри солномасида катта воқеа бўла олган «Алишер Навоий» тарихий драмасидан (1945 йилда изланувчан актёр ушбу асардаги Турдибой ролини ижро этиб, ихлосмандларнинг эътиборини қозонган эди) лавҳа. Пьеса машҳур режиссёр Маннон Уйғур томонидан юксак маҳорат билан саҳналаштирилган эди. Эҳ-ҳа, умрнинг тез ўтиб кетишини қаранг-а... Мана бу суратда Ҳамидулла эка Ойбекнинг романи асосида яратилган «Қутлуғ қон» номли инқилобий драмадаги Шоқосим ролида... Ушбу спектаклни яхши хотирлайман — узоқ вақт саҳнада «аншлаг» билан намойиш этилган. Шукур Бурҳонов — Йўлчи образини «қийиб» юборган, Ҳамидулла Наримонов ижросидаги Шоқосим жулдур чопонда саҳна майдонига чиқиб келиши ҳали-ҳали ёдимда. У мазкур образни ўта ҳаётий, ишонарли қилиб яратган эди, қўлидаги жажжи чақалоқ билан азиятли ва ғазабнок юриб келаркан, унинг хатти-ҳаракатлари, изтиробли кечинмалари томошабин эзиб юборарди...

1956 йилда томошабинларнинг зўр олқишига сазовор бўлган Рабиндранат Тагорнинг «Ганг дарёсининг қизи»даги кабобпаз... Чархчи киши, кўза кўтариб ҳандон ташлаётган қиз-жувонлар хатти-ҳаракатларини, ёқимли қилиқлар қилиб, елпиғични зўр бериб айлантираётган ва ҳар хил мақомга йўғрилаётган узун оқ қўйлакли, бошида катта ола-була саллали кабобпаз — Ҳамидулла Наримонов худди кечагидек кўз ўнгимда гавдаланиб турибди...

Бу санъаткорни мен ўнлаб спектаклларда кўришга муваффақ бўлганман, янги асарларнинг ижодий муҳокамаларида ҳам қатнашганман. Театршунос танқидчилар ушбу истеъдодли актёр яратган ёрқин образларнинг ўта ҳаётийлиги, самимий, дилкашлиги, ортиқча пафос, қуруқ ва дабдабали, саҳнани матнқан эмас, жисман тўлдиришгина қоладиган хатти-ҳаракатлардан холи эканлигини албатта таъкидлаб ўтардилар.

Бу хусусиятларнинг изланувчан актёр тимсолида мужассамлиги бежиз эмасди — у оддий, заҳматкаш халқ ичидан етишиб чиққанди, унга хос меҳнатсеварлик, камтаринлик, вазминлик, меҳр-саховатлилик, дилкашлик, одамлар қайғусига, шодлигига елкадошлик, эзгу орзу-умидларига масхабдошу, ҳайрли интилишларига маслакдошлик мансуб эди. Халқимизнинг ушбу миллий фазилатларини Ҳамидулла Наримонов саҳнада яратган ана ўша «Қутлуғ қон»даги Шоқосим, Уйғунинг «Котил»идаги Ҳотам бобо (1965), Иззат Султоннинг «Номаълум киши»сидаги Нур бобо (1963) каби образларда яққол кўриш мумкин эди.

Ҳамидулла Наримонов шу кунларда орамизда бўлганида 80 ёшга тўларди. У 1910 йилда Тошкентда таваллуд топди, отаси чўпон бўлиб, инқилобдан аввалги ҳаёти, болалик чоғлари дала-даштларда, қирадирларда ўтди, падарининг қазосидан сўнг ўзи ҳам подачилик қилди, ҳаёти қийинчиликда бўлди, қора қозон гоҳ вужудини осилар, гоҳида эса одамлар хайр-эҳсони ризқ-насиба эди... Ҳамидуллага ўхшаганлар бахтига инқилоб бўлди, Наримоновлар оиласи кўксига ҳам иқбол шамоли тегди, турмуш ўринишлари билан банд бўлиб, чўпонлик қилиб, тенгқуроллардан ортда қолаётганини сеза бошлаган Ҳамидулла бир мунча кечроқ бўлса-да, янгича мактабга ўқишга кирди ва «Кўк-кўйлакчилар» бадиий ҳаваскорлик тўгарагига қатнай бошлади.

Ўсмир қобилиятини шу ерда пайқаган устоз санъаткорлар иқтидорли ёш ижрочини Москвага, Вахтангов театри қошидаги студияга тавсия этдилар. Ҳамидулла ушбу билим юртида ўқиркан (1927—1930) Б. Е. Захава, И. М. Талчанов, Л. Н. Свердлин, А. П. Гончаров, К. Е. Зайцев сингари таниқли санъаткор-педагоглардан дарс олди, роль устида ишлаш, актёрлик техникаси, пластика, биомеханика, ритмика, нутқ маданияти, театр тарихи, рақс санъати сир-асрорларидан воқиф бўлди. Студияни муваффақиятли битиргач, актёр сифатида Бухородаги театрга юборилди. Ушбу ижодий коллектив билан ҳамнафасликда 1930—1933 йиллари изланишларда бўлди, классик ва ўзбек драматургларининг пьесаларидаги каттагина кичик ролларни ижро этиб, томошабин меҳрини қозонди. Санъаткор ушбу театрда саҳналаштирилган Ғулом Зафарийнинг «Ҳалима», Хуршиднинг «Фарҳод ва Ширин», «Лайли ва Мажнун», Умаржон Исмоиловнинг «Рустам», Яшиннинг «Ўртоқлар»ида образлар яратди. Театрга ўша вақтларда машҳур режиссёр ва педагог Етим Бобожонов раҳбар эди.

Ҳамидулла Наримоновнинг 1933 йилда ҳозирги Ҳамза номли академик драма театрига ишга ўтиши Етим Бобожонов билан бошланган ижодий йўлни давом эттирди ва отахон театрда яна бир улкан қоя, буюк ўзбек режиссёри Маннон Уйғур билан учраштирди. Бу саҳна санъати алломасининг репетициялари, панд-насиҳатлари, спектакллар қўйиш жараёнидаги тажрибаларининг ўзи актёрлар, шу жумладан Ҳ. Наримонов учун ҳам ўзига хос бир ижодий дорилфунун бўлди. Санъаткор мазкур театрда дастлаб Зиё Саид ва Назир Сафаровнинг «Тарих тилга кирди» асаридаги Ғофир ота ролини ижро этган бўлса, кейинги йилларда Д. Фурмановнинг «Исён»идаги Боровой, Шекспирнинг «Ҳамлет»идаги Арвоҳ, Ҳамзанинг «Бой ила хизматчи»сидаги Холмат, М. Горькийнинг «Душманлар»идаги Ягодин, М. Шайхзоданинг «Мирзо Улуғбек»идаги Шайхулислом, З. Фатҳулиннинг «Томоша давом этади»сидаги Домла, Ф. Шиллернинг «Мария Стюарт»ида Мелвиль, Уйғунниг «Парвоз»идаги Пўлатнинг, Мустай Каримнинг «Ой тутилган тун»идаги чол, Е. Хелтаннинг «Соқов рицарь»ида руҳоний, Абу Райҳон Беруний ҳаёти ва ижодига бағишланган тарихий драмадаги Ибн Ироқ каби ролларни маромига етказиб ўйнади. Бу ролларнинг ичида «каттаси» ҳам, «кичиги» ҳам бўлиб, улар ҳаракат қилдиган тарихий шароит, яшайдиган муҳит, ижтимоий-сиёсий аҳвол, курашадиган идеаллар, интиладиган орзу-умидлар турличадир. Муаллифлари ҳам ҳар хил ҳалққа мансуб ижодкорлардир. Ҳамидулла Наримонов учун ролнинг катта-кичиги йўқ эди. У Москвадаги театр студиясида таҳсил кўраётган пайтларидаёқ устози Б. Захаванинг «К. С. Станиславскийнинг панд-насиҳатларини сира унутмангиз, буюк педагог ва театр ислоҳчиси — ролнинг кичиги бўлмайди, актёрнинг кичиги бўлади, деб таъкидлардилар», — деган қўйма сўзларини ҳеч ҳаёлдан қўймасди.

1957 йилда Ҳамза номли академик драма театри саҳнасида намойиш этилган «Йўлчи юлдуз» тарихий-инқилобий мавзудаги спектакли ҳамон ёдимда. Машҳур Шукур Бурҳонов — В. И. Ленин, Ҳамидулла Наримонов эса Ф. Э. Дзержинский ролида чиқардилар. У ўз қаҳрамонини инқилоб фидойиси, Шўро давлатининг тамал тошини қўйган большевик, партиянинг содиқ фарзанди, совет тузуми душманларига нисбатан қаттиққўл ва муросасиз, пўлатдек мустаҳкам иродали қилиб гавдалантиришга интиларди.

Қарийб ўттиз беш йил ичида театр саҳнасида намойиш этилган ранго-ранг мавзулардаги ва жанрлардаги спектакллар кўз ўнгимдан ўтар экан, мазкур муаззам нафосат масканида, ҳаёт дорилфунунида неча ўн йиллаб самарали ижод қилиб келган муҳтарам ижодкор зотларни — Аброр Ҳидоятов, Обид Жалилов, Мария Кузнецова, Миршоҳид Мироқилов, Сайфи Олимов, Амин Турдиев, Қудрат Ҳўжаев, Ҳикмат Латипов, Шариф Қаюмов, Тошхўжа Ҳўжаев, Неъмат Қосимов, Муҳаммадхўжа Умархўжаев, Шукур Бурҳонов, Олим Ҳўжаев, Тошхон Султонова ва бошқаларни эслайман.

Санъатимизнинг, театримизнинг йирик сиймолари, халқнинг дуосини олган, меҳр-муҳаббатини қозонган ажойиб санъаткорлар эди улар. Таваллудининг 80 йиллиги муносабати билан хотирасига миннатдорчилик шаъм чироғи ёқилаётган Ҳамидулла Наримонов ҳам ярим асрдан зиёд мана шу санъаткорлар билан бирга саҳнада умр кечирди, элга нафосат тарқатди, яхшиларни ташвиқ қилди, ёмонларга ғазаб уйғотди, ўз санъати, маҳорати, актёрлик саховати билан ҳалқимиз орзу-умидларини тараннум этди...

Санъаткор қазосидан сўнг бир неча кунлар ўтгач, Ҳамза номли театрга «Бой ила хизматчи» спектаклини кўргани бордим — Холмат ролида ёш актёр чиққанини кўриб дилдан қувондим. Демак, ушбу ролни узоқ йиллар ижро этиб келган Лутфулла Назруллаев, Ҳамидулла Наримонов чироғи, ёрқин хотираси ўчмабди, яхши анъаналар силсиласи давом этмоқда, оқибат издошларда жилоланмоқда...

Ҳамидулла Наримоновни кино мухлислари ҳам яхши биладилар. У бир неча бадиий фильмларда ўткир характерли образлар яратди. Мана шулар қаторида «Ўтган кунлар»даги Ҳасанали, «Майна Ҳасанова»даги ота ҳам бор. У телефильм ва телерадио постановкаларда (спектакларда) ҳам кўпгина бадиий баркамол сиймолар яратиб, санъатсеварлар таҳсинига сазовор бўлди, ўнлаб чет эл ва совет фильмларини ўзбек тилига дубляж қилишда қатнашди. Унинг жарангдор, турли жилоларга бўйсунадиган овози, нутқи, наинки саҳнада, залга, балки экрандан, радиодан қулоққа гина эмас, дилларга равон қуйиларди. Узоқ йиллик ижоди, саҳнада, экранда, радиода яратган ажойиб образлари, санъатга садоқати юксак эзъозланди —унга «Ўзбекистон ССР халқ артисти» фахрий унвони берилди, таҳсинларга сазовор бўлган актёр Ҳурмат ордени, СССР медаллари, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг фахрий ёрлиқлари билан мукофотланди.

— Мен ҳам Ҳамидулла Наримонов билан саҳнада бир неча йиллар ҳамнафасликда роллар ижро этдим, бизлар ушбу отахон санъаткордан айниқса миллий удум, анъаналар, одатларни, нутқимиздаги, тилимиздаги нафосатни, дилкашлигу камтарликни ўзлаштиришда бахраманд бўлиб келардик. Афсуски, мана шундай устоз актёрлар оламдан ўтиб, тобора камайиб қолишмоқда, биз бундайларни қадрлигида қадрлаб, эзозлашимиз, орамиздан кетганларни эса ҳамиша ёдда сақламоғимиз, унутмаслигимиз керак, зеро, бугунги бунёд этилаётган маънавий маданиятимиз хирмонида мана шундай фидойи санъаткорларнинг ҳам улуши бор, — дейди Ўзбекистон ССР халқ артисти, Ҳамза номли театрнинг истеъдодли санъаткори Рихсихон Иброҳимова. Бу самимий дил сўзлари эзозли актёримиз бўлган Ҳамидулла Наримоновга ҳам тааллуқли. Ҳа, бугунги хирмон далада етишган кечаги саховатли дондан ҳосил бўлади...

Баҳриддин НАСРИДДИНОВ,
театршунос.

Тил ва дил

МАТНЛАР КЕРАК

Ҳозиргача республикамизда эски ўзбек ёзувини ўрганиш бўйича ҳар хил ўқув қўлланмалари нашр қилинди ва анчагина асарлар босишга тайёрланмоқда. Улар турли савияда ёзилганлигига қарамай, ҳаммаси битта мақсад — эски ўзбек ёзувини мукаммалроқ ўрганишга қаратилган. Энди ўқувчилар бу китоблардан олган билимларини мустаҳкамлашлари учун тезликда шоир ва ёзувчиларнинг қадимда китобат қилинган, тили ва услуби содда асарларини, халқ ижодиётига ўхшаш ўқимишли матнларни фотонабор усулида чоп этиш зарур. Мен бундай асарлар қаторида биринчи навбатда Лутфий девонининг энг мўътабар нусхасини нашр қилиш зарур деб ҳисоблайман.

Эски ўзбек тилини ва ёзувини мустаҳкамлашда айрим таржима асарлари ҳам қўл келиши мумкин. Масалан 1862—1863 йилларда Саъдийнинг «Гулистон» асарининг Огаҳий томонидан қилинган таржимаси катта ёрдам бера олади.

Асримизнинг бошларида ўзбек маърифатпарварлари тарафидан чиқарилган «Устоди аввал», «Муаллимус соний» каби асарларни нашр этиш ҳам ўқувчиларнинг эски ўзбек ёзувидаги билимларини мустаҳкамлайди.

Шунингдек, Хива ва Тошкент босмахоналарида чоп қилинган асарлар бу ёзувни мукаммал эгаллаш йўлида бир босқич бўлиши мумкин.

Эски ўзбек ёзувида билимни мустаҳкамлаш учун бу ўқув қўлланмаларидан ташқари кундалик матбуотнинг ёрдами катта бўлиши керак. Араб ҳарфида босилаётган «Совет Ўзбекистони» журнали ва «Ойдин» газетаси нусхасини қўлайтириб, эрқин савдога чиқариш зарур. Эски ўзбек ёзувини мустаҳкам эгаллаш учун айрим асарларнигина қаламга олдик, холос. Шубҳасиз, бошқаларидан ҳам фойдаланиш мумкин. Бу, албатта ноширнинг диди ва қобилиятига боғлиқ.

Э. УМАРОВ,
филология фанлари номзоди.

АХБОРОТ

Қўриқ Оқолтин районида халқ маорифи системасида янги мактаб бинолари қуриб битказилди. Райондаги энг катта «Фарғона» совхозида 320 ўринли янги мактаб биноси, район маркази Сардобада 95 ўринли болалар боғчаси очилди, 13-ўрта ҳунар-техника билим юрти янги ўқув биносига кўчиб кирди. Буюртмачилар биноларнинг сифатли ишларидан мамнун бўлишмоқда.

* * *

Андижон районидаги Хирабек қишлоғида қурилаётган тикувчилик-трикотаж фабрикаси учун 140 ўринли болалар боғчаси фойдаланишга топширилди. Уни «1-Облагропромстрой» 106-механизациялашган колоннаси ишчилари бунёд этишди. Боғча яқинда келаси йили иш бошлаши лозим бўлган фабрика цехлари қад кўтармоқда. Бу ерда қишлоқ аҳолисидан деярли 600 киши ишлайдиган бўлади.

* * *

Ўзбекистон пойтахти аҳолиси яқин орада Ҳиндистоннинг «Танзап» ва «Лимка» ичимликларини тотиб кўради. Тошкентдаги салқин ичимликлар заводида ана шу маҳсулотни идишларга қуядиган линия ўрнатила бошланди. Агрегатлар соатига 15 мингта шишага ичимлик қуяди. Совет ва ҳинд мутахассислари ана шу линияни биргаликда созлашмоқда.

* * *

Фарғона ва Руминиянинг Питешти шаҳри тўқимачилари бирбирларининг ҳузурига ташриф буюришди. Фарғона тўқимачилик комбинати ходимларининг бир гуруҳи «Аурика» янги тароқ машиналарида ишлаётган ҳамкасбларининг иш тажрибасини ўрганди, руминиялик меҳмонлар эса Фарғонада совет ип газламалари ишлаб чиқариш технологияси, фабрикаларимизда ишни ташкил этиш, ижтимоий вазифаларни ҳал қилиш тажрибаси билан танишдилар.

(ЎзТАГ).

Назм дафтаридан

ШАРШАРА

Анҳорнинг қоқ белида
Тасмаси бор — шаршара,
Шўнғиб-шўнғиб ўйноқлар
Зилол сувн ёқимли.
Шовуллаган оҳангда
Мажнунтол куйлар, қара,
Хаёлнигни олисга
Олиб кетар оқимн.
Боғ-чаманлар бағрига
Интилади шошиб сув,
Шаршарада чарх уриб
Қувватн ошган бўлар.
Ташна-чанқоқ нҳолга
Интилади тошиб сув,
Шу эзгу шошилишда
Боғларим болга тўлар.

ҚУШИҚ

Булбулнинг ноласида
Ажиб маъно бор эмиш,
Азал гули раъноннинг
Атрига хумор эмиш.
Субҳидам сабосида
Сархушлик бўлармиш жам,
Дилларни қилиб хушнуд
Бу олам кулар эмиш.
Борлиқнн уйғотармиш
Инсон ҳалол меҳнати,
Боғ-роғу адирларга
Зар гилам тўшар эмиш.
Умарий, дўстлар билан
Даврани олайлик кенг,
Ҳар ғунча ошиқ дилга
Битилган ашъор эмиш.

Умархон АҲМАДЖОНОВ.

ФУТБОЛ

Мамлакат биринчилигининг ўтган йилги кумуш совриндорлари — «Днепр» (Днепропетровск) командаси футболчилари шу кунларда Испанияда меҳмон бўлиб турибдилар. Улар бу ерда мавсумга, айни чоғда Португалиянинг «Бенфика» клуби билан Европа чемпионлари соврини учун бўладиган нимчорак учрашувига тайёргарликни давом эттиришаяпти.

Днепр бўйилик футболчилар илк машқлар сўнгида Испаниянинг жаҳонга машҳур клуби — «Реал» билан ўртоқлик матчи ўтказдилар. Шуниси қувончлики, ватандошларимиз бу учрашувни ғалаба билан якунлашди. Улар мазкур мамлакатнинг кўп бор чемпиони ва бу йилги биринчилик пешқадамини 2:1 ҳисобида енгдилар. «Днепр»га ғалаба келтирган тўпларни Сон ва Кудрицкийлар киритишди.

Ўртоқлик учрашуви қумуш совриндорлар нафақат мавсумга, балки бўлажак йирик халқаро беллашувларга пухта тараддуд кўришаётганини намойиш этди. «Днепр»нинг қатор кучли футболчилари бу йил чел эл клубларига ўтиб кетишганини таъкидласак, бу ғалаба нақадар қувончли эканлиги аён бўлади.

* * *

Ленинградда Валентин Гранаткин хотирасига бағишлаб ўтказилаётган анъанавий халқаро мусобақа яна бир турдан сўнг тугайди. СССРнинг биринчи ўсмирлар терма командаси 7 очко билан пешқадам бўлиб турибди. Ёш футболчиларимиз ўтган куни ён қўшнилари — финляндиялик тенгдошларини 2:0 ҳисобида мағлубиятга учратдилар. Иккала тўпни харьковлик Сергей Кандауров киритди.

Аммо тўпурарлар баҳсида у эмас, хитойлик Шен Цай пешқадамлик қилаяпти. У ҳозиргача рақиблар дарвозасини етти бор аниқ нишонга олди. Хитойлик футболчилар навбатдаги матчда ГДР терма командасини 3:1 ҳисобида енгдилар.

Халқаро мусобақада иккинчи терма командамиз ҳам қатнашмоқда. Аммо ўсмирларимиз муваффаққият қозона олмаяптилар. Улар ўтган турда ГФР футболчиларига 1:3 ҳисобида ютқазиб қўйишди.

ХОККЕЙ

СССР биринчилигининг олий лигаси коллективлари бир ярим ой давом этган танаффусдан сўнг олтин медаллар учун баҳсларни бошлаб юбордилар. Гап шундаки, иккинчи босқичда ўн олти кучли коллективдан ўнтаси совринли ўринлар учун курашади.

Куни кеча ҳал қилувчи давранинг илк учрашувлари бўлиб ўтди. Учинчи ўринда бораётган МАСК хоккейчилари иккинчи босқични мағлубият билан бошладилар. Улар Рига динамочиларига 2:3 ҳисобида ютқазиб қўйишди. Тўғри, армиячилар биринчи бўлимдан сўнг 2:0 ҳисобида олдинда бораётган эдилар. Аммо шундан кейин улар ташаббусни меҳмонларга бериб қўйишди. Рига динамочилари тўла-тўкис устунликка эришиб, иккинчи бўлимда ҳисобни тенглаштиришга, ниҳоят учрашувнинг сўнгги қисмида ҳал қилувчи шайбани киритишга муваффақ бўлдилар. Аммо бу иккала команданинг ўйинлар жадвалидаги мавқеига таъсир кўрсатмади. Армиячилар учинчи, динамочилар эса тўртинчи ўринни сақлаб қолдилар.

Юқори икки ўринни эгаллаб турган «Химик» (Воскресенск) ва «Динамо» (Москва) командалари иккинчи босқични ғалаба билан бошладилар. Пешқадам ўз майдонида Минскнинг «Динамо» коллективини 6:2 ҳисобида мағлубиятга учратди. Иккинчи команда эса Ярославлда маҳаллий «Торпедо» клуби устидан 5:2 ҳисобида ғалаба қозонди.

Икки учрашув қуйидаги тарзда тугади: «Сокол» (Киев) — «Крилья Советов» (Москва) — 5:2, «Спартак» (Москва)— «Торпедо» (Горький) — 3:3.

Бу турдан сўнг «Химик» ҳисобидаги очколар 52 тага етди. Москва динамочилари 48 очко билан иккинчи ўринда бораяптилар.

ШАШКА

Нева бўйидаги гўзал шаҳар — Зеленогорскда рус шашкаси бўйича пионерлар Бутуниттифоқ мусобақаси ниҳоясига етди . Унда 18 команда қатнашди. Шуниси қувончлики, улар орасида самарқандлик ўқувчилар муваффақият қозондилар. Улар 45 имкониятдан 32,5 очко жамғариб, биринчи ўринни эгаллашди.

Шахсий биринчиликда ленинградлик ўқувчи А. Трефилов яхши натижа кўрсатди. У биринчи тахтада 9 имкониятдан 6,5 очко тўплашга муваффақ бўлди.

Муҳаррир
А. Ғ. МУХТОРОВ.

ХУМДАГИ ХАЗИНА

Самарқанддан унча узоқ бўлмаган Оқдарё районидаги «Гулистон» колхозида ўн тўрт ёшли Шакара Эгамберднева мис тангалар билан тўлдирилган бронза хум топиб олди. Ўқувчи қиз уни чоғроқ тепаликни кесиб ўтган жарликдан топди.

Хумда уч мингтадан кўпроқ танга бор экан. Уларнинг кичик бир қисмигина ўрганилганида бу тангалар Сўғд ва Кушанда, Самарқанд ва Иштихонда, Кармана ва Бухорода зарб этилганлиги маълум бўлди. Бу ерда Тожикистоннинг Гарм шаҳридан, Илоқ, Тункет, қадимий Тошкент воҳаси — Шоҳдан келтирилган тангалар бор.

— Бизнинг регионимизда пул яширилган кўпгина хазиналар аввал ҳам топилган эди, — дейди Ўзбекистон ССР Фанлар академияси археология институтининг илмий ходими Б. Кочнев. — Лекин улар одатда битта ҳукмдорга тегишли бўларди. Бу гал эса турли шоҳлар ва беклар сулолаларининг пуллари топилди. Ана шу хазинага қараб қадимий Самарқандга деярли бутун Ўрта Осиёдан пуллар келиб турган, деган хулоса чиқариш мумкин.

Бронза хумдаги хазинанинг сирлари ҳали кўп.

Л. ТОКАРЕВ,
ЎзТАГ мухбири.

Кўҳна тарихдан нисор — Регистонда оппоқ қор.

Б. АЛИМОВ олган сурат.

«ҚИШЛОҚ ҲАҚИҚАТИ»—
«СЕЛЬСКАЯ ПРАВДА»
Газета Центрального Комитета Компартии Узбекистана
Выходит на узбекском и русском языках.

БИЗНИНГ АДРЕС: 700083, ТОШКЕНТ, ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: Муҳаррир ўринбосарлари — 33-44-43, 32-56-21, 33-16-27-, 32-54-41, Масъул котиб, — 33-09-93, 32-56-26. Масъул котиб ўринбосарлари — 32-56-25, 32-54-48, 32-54-47. Партия турмуши бўлими — 33-54-33, 32-56-22. Совет қурилиши бўлими — 32-56-34. Деҳқончилик бўлими — 33-54-33. 32-56-35, 32-54-51. Чорвачилик бўлими — 32-56-33. Қишлоқ қурилиши бўлими — 32-54-44. Маданият, адабиёт ва санъат бўлими — 32-56-36, 32-56-39. Ахборот ва спорт бўлими — 32-54-46, 32-56-39. Хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 32-54-52. Таржима бўлимлари — 32-56-31, 32-54-54, 32-54-55, 32-56-28. Иллюстрация бўлими — 32-58-79. Эълонлар бўлими — 33-81-42.

Р. — 03041. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. Р. — 01024. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12